

НИЛУФАРНИНГ ОЛМАЛАРИ

Нилуфар билан яна дала ҳовли томон йўл олдик. Езувчилар боғи деган бекатда ҳар доимгидек автобусдан тушдик. У энди буёқдаги йўлни яхши билгани учун мендан олдинга тушиб олди. Темирйўлдан ўтишимиз билан Нилуфар чап томондаги олмазорга қараб сўради.

- Дадажон, бу дарахтларни ким эккан?
- Боғбон амакилар.
- Олмадан олсак бўладими?
- Қоровул амаки уришади.
- Қоровул амаки болаларни уришмайди.

Нилуфар шундай деди-ю, қўй, тегма, дейишимга қарамай, ерга осилиб турган шохдаги олмага қўл узатди. Ҳали у олмани узиб олар-олмас олмалар атрофида отда айланиб юрадиган муртли амаки қаршисида пайдо бўлди.

— Ҳўй, олмани узма,— муртли амаки отининг жилвини тортиб, дўрилдоқ овозда бақирди.

Нилуфар қотиб қолди. Шохдан қўлни тортди.

— Амаки, бола-да,— дедим.

— Э, бу йўлдан ҳар кун қанча бола-чақали одам ўтади.— Муртли амаки қўлидаги қамчини бигиз қилди.— Ҳар бири биттадан узиб олаверса, олма қоладими.

Нилуфар дам менга, дам қоровул амакига қаради. Мендан садо чиқмагач, ўзи жавоб берди.

— Амаки, сиззи олмайиз аччиқ.

— Ширинини бозордан сотиб оласан,— қоровул амаки чуқ деганича биздан узоқлашди.

Нилуфар енгимдан тортди.

— Дадажон, энди сира бу йўлдан юрмаймиз.

— Нега, қизим?

У от устида тебраниб бораётган қоровул амакини кўрсатди.

— Анави амакининг олмаси аччиқ.

— Аччиқ-аччиқ,— дедим уни қувватлаб,— Узимиз эксак, ширин бўлади.— Нилуфарнинг бир оз бўлса-да, кўнгли ёришди, чеҳраси очилди.— Эртага олма, шафтоли, беҳи, хурмо, анжир, эҳ-ҳе, яна қанча ниҳол олиб келамиз.

— Олмасини мен экаман,— деди у ўйноқлаб.

— Бу бошқа гап. Ҳозир бориб ер чопамиз. Ниҳол экиладиган жой тайёрлаймиз.

Шу кун ишимиз юришди. Мен каттакон кетмонда, у бўлса белкуракчада анча-мунча ишни қилиб қўйдик. Эртаси кун экиладиган ниҳолларни кўтариб яна ўша йўлдан ўтдик.

— Дадажон,— деди у,— олма ниҳолини мен экаман-а.

— Ҳа, ҳа, она қизим.

— Ширин олма қилади-а.

— Пишганида кўрасан. Сен эккан олма шунақа бўладики... бай-бай, бунақасини...

Нилуфар олма ниҳолини қўлимдан олиб, қадамни тезлатди. Айтганимдек, шу кун у ниҳолларни ушлаб турди. Мен авайлаб ҳар бирини қазиб қўйган чуқурчаларга ўтқаздим.

Кечга яқин қайтар эканмиз, олдимиздан от минган қордул амаки чиқиб қолди. Мен муртли амаки билан салом-алик қилгандим, Нилуфар ер остидан тумтайинб қараш қилди. Отлиқ буни сезмади.

Орадан уч кунчами, ундан кўпроқ вақт ўтди. Ниҳоллардан хабар олгани борсам, Нилуфар ўтқазган олмадан биттаси, яна қайси бир ниҳол қовжираб қолибди. Нилуфар қурншган олма ниҳолин кўриб сўраб қолди.

— Дадажон, мана бу олма нега қурибди?

— Э,— дедим манглайимни қашлаб,— фақат сенга айтмовдим, ниҳол эккан бола доим кулиб, ўйнаб юриши керак. Ана ўшанда ниҳоли дарров кўкаради. Эртароқ ширин мева беради.

Нилуфар бўшашиб қолди. Бир кун олдин у синглиси Нодира билан кўйлак талашиб, остона олдида ётиб олиб йиғлаган эди. Алдаб-сулдашимга кўнмаган эди. Мен ўшанга ишора қилиб дедим:

— Ниҳол эккан бола йиғласа, нарса талашиб, қиз-

ғанчиқлик қилса, ўтқазган ниҳоли бунн эшитиб хафа бўлади. Умуман болалар қанча кўп йиғласа, ниҳоллар шунча тез қурийдн. Қулоғингда турсин,— сўзимнинг таъсири кучайганини кўриб, қўшиб бораверардим,— Қаерда қуриган кўчат кўрсанг, билгинки, шу яқинда бирорта бола йиғлаган.

Нилуфар ўзи ўтқазган олмалари олдида маъюс тортди. Болаларча хўрсиниб, кўзларимга тикилди.

— Энди сира йиғламайман, дадажон. Нодийга ҳам айтаман.

— Бу бошқа гап.

Нилуфар барибир кечгача ўзи ўтқазган олма ниҳоллари ёнидан нари кетмади. Сув қуйди. Бегона ўтларини юлди. Айтган гапимни айтиб қўйиб, мен кузатишимни канда қилмадим.

Ҳориб-чарчаб набирам билан уйга қайтдим. Эшик олдида ҳиқиллаб йиғлаётган Нодира бизни қарши олди.

— Вой, она қизим, сенга нима бўлди,— дейишим билан Нилуфар ҳовлиқиб, бидиллаб кетди:

— Йиғлама, эккан ниҳолларим қурийдн.. Дадажон, бунийизга айтинг, йиғламасин. Сиззи экканларийиз ҳам қурийдн.

Нилуфар шу билан тинчимади. Югургилаб уйга кирди-ю, қайси кунн Нодиранинг қўлидан юлиб олган атлас кўйлагини олиб чиқди.

— Ма, Нодий, сан кий, йиғлама.

Нодира атлас кўйлакни кўриши билан тинчиди-қолди. Нилуфар синглисининг бошини силаб қўйди.

— Нодий, йиғлашинг тўхтадимн?

Нодира ҳа, дегандек бошини қимирлатди.

— Юр,— деди Нилуфар унинг қўлидан ушлаб,— сенга яшириб қўйган кампитимни бераман.

Опа-сингил бурчакдаги уйга кириб кетишди. Тўхтаб бирпас қулоқ солдик. Нилуфар мендан эшитганларини Нодирага айтиб берарди. Агар йиғласанг... деган сўзини тинимсиз такрорларди.

Олдинига Нилуфарнинг гап-сўзларини мазза қилиб эшита бошладим. Кейин, қулоқ солиш одобдан эмас дедиму, мен ҳам ўз хонамга кириб кетдим.

САБРИЯБИБИННГ НАБИРАЛАРИ

Сабриябннинг уин шундоқ қишлоққа кираверишда жойлашган. Қишлоққа келган одам биринчи бўлиб,

ана шу Сабриябиби билан кўришиб ўтади. Таниш — нотаниш келганини ҳам бибидан билиб олиш мумкин.

Сабриябиби уйининг орқаси — боғ. Боғ атрофи мевали дарахтзор. У мол-ҳол асрамайди. Ана шу боғига кўз-қулоқ бўлади. Қўлидан келганича парвариш қилади. Боғда мевалар пишгач, қишлоқ йигитлари териб-йиғштириб беради. Қишин-ёзин унинг уйидан қуритилган мева аримайди. Биби зерикдим дегунча дастрў-молчасига бу мевалардан туғиб, болали уйларга кириб чиқади. Баъзида нолиб ҳам қўяди:

— Битта бибим бор, хабар олай ҳам демайди. Энди катта бўлдинг-да.

— Сизни безовта қилмайлик деймиз-да,— дейишади ота-оналар.

— Сизлардан нима оламан,— кулади Сабриябиби,— манга мана бу тойлоқлар керак.— У болаларни кўрсатади,— шулар билан гангур-гунгур гаплашсам, кўнглим ёришади.

Сабриябибининг қишлоқда ягона — битталиги рост. Бу атрофда ундан кекса кампир йўқ. Узининг айтишича, бу йил тут пишигида тўқсон саккизга киради. Биби ҳозир ёлғиз яшайди. Қизлари эса аллақачон турмушга чиқиб кетишган. Невара-чевара бир этак. Аммо ҳозир гап бу ҳақда эмас.

Сабриябиби қишлоқдаги ҳамма болаларнинг катта бувиси. Бирисига энага бўлган. Яна бирисини ўз қўли билан бешикка беллаган. Бирисини менинг ёшимга етсин, деб чақалоқлик сочига қайчи урган...

Қишин-ёзин уйдан қишлоқ болалари бери келмайди. «Биби, бибиҳон» деб боришгани-боришган. Биби уларни албатта:

— Жони биби,— деб қарши олади.

Бирининг этагига, бирининг дўпписига хўл-қуруқ мева солиб, орқасига шапатилайди:

— Ҳа, омон бўлгур тойлоқлар, ана шундай чопқиллаб келиб турсаларнинг, бибинг ҳечам қаримайди.

Хивнч от минган болалар «урра», «урра» деб чопқиллашади. Биби уларнинг изидан кафтипи кафтига уриб, «ушла уларни» деб кулади.

Сабриябиби кейинги йилларда вақт топди дегунча халтача тикадиган бўлиб қолди. Кейин ҳар бир халтачага ўрик, майнз, жийда солади. Бедананинг тўрқовонини илгандек алоҳида миҳларга илиб қўяди.

Армияга кетган йигитлар одатда хат ёзганида қишлоқдаги катта-кичikka бир бошдан салом йўллайди.

Биби хат ташувчи кўриниши билан имлаб чақиради:

— Болам, кимдан хат олиб келдинг?

Хат ташувчи кампирнинг саволига доим бир хил жавоб беради:

— Набираларингиздан.

— Қани, ўқиб бер-чи?

— Эгасига топширай, бибижон.

— Менга йўқми? Ҳа, тирмизаклар, эсидаи чиқарган-да. Ҳали эсон-омон келишии, қулоқларини чўзаман.

Аммо Сабриябиби бу билан тинчимайди. Хат ташувчининг изидан ҳасса чалиб йўлга тушади. Хат эгасига топширилгач, «ўқи қани, нима дебди», деб қулоқ тутиб туради. Кампирнинг феълига ўрганган ота-оналар унинг кўнглини кўтариш учун (баъзида ёзилмаган бўлса-да) ўқий бошлайди:

«Қишлоғимизнинг катта бибиси, меҳрибон Сабриябибига аскарлик салом!»

— Вой, тилиннга шакар. Шунн ўзи ёзибдими-а, тойлоқ.

— Қим ёзарди, набирангиз Асқар-да.

— Езгани чинми? Е ичингдан тўқидингми-а?

— Бибижон, сизни алдамаймиз. Мана ўзингиз ўқинг.

Сабриябиби қўлига мактубни олади. Қоғозни қўлида айлантиради.

— Езгани рост. Ахир мани кўзим ўтмайди-да. Кейин хат-савод қани.

Сабриябиби хатни охиригача эшитмайди. Хонадон эгасини койиб беради:

— Оёнинг кира тилайди сени. Бир халтача мева олиб келишга эринасан. Юр, уйимдан олиб кел. Бибиси тайёрлаган мева-чевага Асқаргинамнинг оғзи тегсин. Ҳойнаҳой, бибим юборсинлар, деб ҳам ёзгандир. Майрамларда қуппа-қуруқ бибисини эслаб ўтиради-да, тойлоқ.

— Езган-да,— атай ҳазиллашади уй эгаси,— ўзим бориб боғларига қарайман, дебди набирангиз.

— Ана, айтганим рост чиқди. Угина алдашни билмайди-да. Санлар амал-тақал қиласан.

Угиллари армияга кетган ота-оналар кампирнинг номига алоҳида хат ёзинглар, деб уқдиришадими ёки аскар болалар иккинчи мактубларини кампирга йўллашадими, бунисини аниқ айтолмайман. Ҳарҳолда ҳозирги кунда Сабриябиби номига аскар йигитлардан кунора хат келиб турибди. Йигитлар олдин манзилини тўла

ёзиб, кимга тегсин деган ерига катта-катта ҳарфлар билан «Сабриябибига тегсин», деб қўйишади.

Сабриябиби оладиган мактубларнинг манзиллари ҳам ҳар хил: Термиз, Чирчиқ, Тошкент...

Кампир хатни ўқитиб олгач, бир халтача мевани хат ташувчининг қўлига тутқзади.

— Буни авайлаб жўнат. Мана бу — йўл кираси. Хат ёзиб тайинла. Яна бир ўзи емасин. Жўралари билан баҳам кўрсин.

— Хўп,— дейди хат ташувчи йигит,— айтганингиздек бажараман.

Сабриябиби аскар набираларидан келган хатларни ойнахалтага солиб қўяди. Суратларни, турли-туман откриткаларни эса уй тўридаги палакка қадайдди. Йил сайин унга келган хатлар, суратларнинг сони ошиб боради. Йигитлар саф-саф бўлиб, армияга жўнашади. Қаторлашиб қишлоққа кириб келишади. Боришда ҳам, қайтишда ҳам Сабриябиби уларнинг пешоналаридан ўпиб, бағрига босади. Ўзи яхши кўрган сўзни такрорлайди.

— Тойлоқларим,— кейин ирим учун исириқ тутатиб, ҳар бирининг бошидан айлантиради.— Менга гап теккизмайсизлар-а...

«Тойлоқ» деган сўзни эшитганда бугун шинелини ечган йигит ҳам, қишлоқдаги тойлоқчалар ҳам жилмаяди. Қадини фоз тутиб, «меҳрибон бибижоним» деб қўяди.

КЕЛИН САЛОМ

Нилуфар кейинги пайтда нима десаиғ илиб оладиган, такрорлайдиган бўлиб қолди. Бунинг ҳаммасига буваси сабабчи. Буваси уйда келини билан уни ёнига ўтқазиб олиб бир бошдан ўқтиради:

— Она қизим, уйга меҳмон келиши билан энг биринчи қўлингни кўксингга қўйиб салом бер. Кейин оёқ кийимларини бир ерга пой-пойи билан териб қўй. Кейин дастурхон ёз. Кейин...

Нилуфар бу сўзни ҳар кун эшитгани учун буваси оғиз очиши билан сўрайди.

— Кейин-чи?

— Кейинми...— буваси Нилуфарнинг жингалак сичини бармоқлари орасида силайди.— Кейинми: катталар гапирганда охиригача эшитишга ўрган. Кейин,

меҳмонларнинг ўтириб туришини кузат. Кузатувчан бўл. Чойнак қаерда туради... Қайси қўл билан чой узатишади... Кейин...

— Кейин...

— Ҳа, эсингдан чиқмасин. Утирганингда менинг кўзимга қараб тур. Бордию, чап кўзимни қисиб қўйсам, секин чиқиб кет. Ана шунда ҳар хил гап-сўзларни қулоғинг эшитмайди.

— Кейин...

Буваси кейин деган сўзни шунчалик кўп ишлатадики, Нилуфар буни эшитиши билан яна нимагадир эътибор беришини ўйлайди. У ҳар гал уйга меҳмон келди дегунча, энг биринчи буваси айтганларини бажаради. Утирганларга зимдан тикилади. Бувасига қараб-қараб қўяди. Олдинига у билан ҳеч кимнинг иши бўлмайди. Келган меҳмон борки, омни дегач, албатта бир-биридан ҳол-аҳвол сўрайди. «Яхши, яхшимн» деган сўзларни қайта-қайта такрорлайди. Меҳмонлар кетар чоғида албатта Нилуфарни мақтайди.

— Жа чаққон қиз экан-да, илоё бахтли бўлсин.

— Ана, кўрдингми,— дейди буваси ҳар гал меҳмонларни кузатар экан,— улар қаерга борса, сени мақтаб юрадн. Кейин-чи, она қизим, бир ёққа борадиган бўлсанг, сен ҳам яхши-яхши нарсаларни ўрганиб ол.

Ез пайти эди. Нилуфарнинг буваси далага — қариндошларини кўргани кетди. Нилуфар бир-икки кун қарахт юрди. Чунки уйдагилари ўзи билан ўзи овора эди. Отаси ишдан келиши билан телевизор қаршисига ўтириб олади. Онаси ошхонага кириб кетади.

Буваси кетган куннинг учинчи кечаси онаси дастурхонни йиғгунча индамай ўтирди. Ҳамма телевизорга тикилиб қолишгач, аста туриб ўзининг ётоқхонасига ўтди. Уйга кириб қўғирчоқларини доира қилиб ўтқазди. Уртага онасининг эски рўмолни ёйди. Кейин ҳар бир қўғирчоққа қараб, бошини ликиллатиб сўрай кетди:

— Яхшими, яхшими?..

Обдон сўрашиб бўлгач, қўлини ерга тираб ўрнидан турди:

— Во-ей...

Телевизорга берилиб кетган отаси бирдан сўраб қолди:

— Ҳей, Нилуфар қани?

— Ухлагани кириб кетди шекилли.

— Қара-чи...

Эшик пардасини қия қилиб, унинг хатти-ҳаракатини

кузатиб турган онаси ўзини кулгудан тийиб, Нилуфарнинг отасини имлади.

— Бу ёққа келинг, тез-тез...

Нилуфар ўрнндан туриб, дастурхон қилиб ёзилган рўмолни бошига ташлаб, бурни ерга теккунча қўғирчоқларига қараб эгиларди.

— Келин шааалоом.

Отаси ўзини тутолмади. Қаҳ-қаҳ отиб кулиб, эшикни ланг очди.

— Яна битта келин салом қилгин, жон қизим.

Нилуфар эгилганча қотиб қолди.

— Салом қилавер, она қизим.

Нилуфар дарров бобосининг сўзларини эслади.

— Бирор иш қиладиган бўлсанг, тортинма.

Отаси уни даст кўтариб бағрига босди. Пешонасидан ўпди. Қизининг юз-кўзларига тикилиб сўради:

— Жон қизим, келин саломни қаердан ўргандинг?

— Қаердан бўларди,— табассум билан жавоб берди Нилуфарнинг онаси.— Ҳалиги кунги Олим ака, Ҳамидулла аканикига келин кўргани чиқувдик. Дарров ўрганиб олибди бунийиз.

— Майли, яхши нарсаларни ўргангани маъқул.

Уша кундан бошлаб Нилуфарнинг отасига эрмак топилди. Энди ишдан келиши билан Нилуфарнинг бошига чиройли зарли рўмолни ташлайди.

— Битта келин салом қил, жон қизим.

Нилуфар ана шунда икки қўлни кўксига қўйиб, уч марта букилиб, дам отасига, дам онасига келин салом қилади.

— Бўлди, бўлди,— дейди отаси,— қолган саломни бувангга асраб қўй.

У бувасини кўп кутмади. Эрталаб бобоси уйга кириб келди.

Нилуфар отасига қаради. Отаси: «Бўлақол», ишорасини қилди. Буваси: «Во-ей» деб кўрпачага ўтириши билан Нилуфар ётоқхонасига кириб кетди. Бошига заррин рўмолини ташлаб, эшик олдида пайдо бўлди.

— Буваси, Нилуфар ҳозир сизга келин салом қилади,— деди отаси.

— Ие-ие,— оқсоқолнинг кўзлари чақнаб кетди.— Қани-қани.

Нилуфар уч букилиб, келин салом қилди. «Во-ей», деб бувасининг ёнига ўтирди. Уйдагилар баравар кулиб юборишди. Буваси эса яккам-дуккам тишларини кўрсатиб, неварасини тиззасига ўтқазди.

— Ҳа, падари қусур, мендан ҳам олибсан-да. Майли, мендай қариб-чуриб юргин, илойим.

Нилуфар отаси, онаси, айниқса бувасидан раҳмат эшитгач, энди кунора меҳмон пойлайдиган бўлди. Меҳмон келди дегунча, Нилуфар онасининг енгидан тортади.

— Келин шалом...

Билишимча, буваси Нилуфарга яна нималарнидир ўргатган эмиш. Нимани? Бунисини кейинги ҳикоямда айтаман. Ҳозирча ҳаммангизга Нилуфардан:

— Келин шалоом...

НЕВАРА

Нилуфар уйга чиққанида, мен бир нималарни қоралаб ўтирган эдим. У қаршимдаги стулга ўтириб олиб сўради:

— Дадаси, нима қилаяпсиз?

— Ишляпман,— деб жавоб бердим.

— Менам ишлайман,— дея Нилуфар жавобимни кутмай қўлимдаги қаламга ёпишди.

— Беринг, ишлайман!

— Оббо,— дедим мен,— илҳомниям белига тепдинг-да.

— Илҳомни мен тепганим йўқ. Узи кеча мени богчада урди,— деди Нилуфар арзга ўтиб.

— Сен нега бугун богчага бормадинг,— деб сўрадим ундан.

— Дадаси, атайин жаҳлимни чиқарманг. Бугун отдих,— деб жавоб берди у.

Жим тураверганимни кўргач, келиб юзимни силади:

— Сизгаям отдих беришадими? Барибир, бугун сизам богчага борманг, хўпми? Опайиз уришмайдилла.

— Бўлди,— деб ўрнимдан турдим мен,— иш тамом, юр, энди чой ичамиз.— Хонтахтага ушатишган нонларни қўйиб, ўзим чой дамлагани чиқдим.

— Дадаси,— чақирди у,— юмшоқ нонларийиз йўқми?

— Нон бор-ку,— деб жавоб бердим мен.

Нилуфар яна чақирди:

— Дадаси, бу нонийиз қаттиқ-ку.

— Чойга ботириб есанг, юмшайди, болам.

Чой дамлаб кирдим. Нилуфар чўнтагидан қўлини олмай, дам дастурхондаги нонга, дам менга тикилганча тик тураверди.

— Ұтир, она қизим, бирга чой ичамиз,— дедим.

— Йўқ,— деди Нилуфар,— юринг, дўконга бориб юмшоқ нон олиб келавуза.

— Нонуза бор-ку,— дедим унқиға ўхшаган талаффуз билан.— Қани, ўтир-чи. Буваю невара бир маза қилиб чой ичамиз.

Нилуфар оёқ тираб олди:

— Юринг, юмшоқ нон олиб келавуза.

Неваранинг сўзини ерда қолдирмай, майли, деб бирга дўконга нон олгани чиқдим. У сўзини ўтказганидан, мен бўлсам унинг раъйини қайтармаганимдан мамнун эдик. Нилуфар мендан олдин нон дўконига чопқиллаб кириб кетди. Шошиб бориб бир буханка нонни кўтарганча сотувчига яқинлашди. Чўнтагимни ковламасимдан сотувчининг олдиға келиб, кафтини очди-да, ғижимланган беш сўмликни узатди.

— Ис,— дедим сотувчи аёлға қараб,— қаранг, холаси, неварам менға нон олиб бераяпти.

Нилуфар бу сўзни эшитгач, қаддини ғоз тутиб, кўриб қўйинг, дегандек, сотувчи аёлға кўзлари чақнаб қаради.

Сотувчи аёл Нилуфарнинг ғижимланган пулини олиб, ўрниға яп-янги беш сўмликни тутқазди.

— Мана, опоси бунға музқаймоқ олиб егин,— у шундай деди-ю, хўрсиниш билан қўшиб қўйди.— Ҳа, болам, сенинг даврингға келиб, бу қоғозға дурустроқ музқаймоқ ҳам бермайдиган бўлди.

Сотувчи аёлнинг сўзлари харидорларға таъсир қилди. Дарров муҳокамага ўтишди.

— Ҳа-я, нимасини айтасиз, қизиқ замонлар бошланди-да.

— Ҳозир каттаю кичик бир бало қилиб кун кечириш йўлини излайдиган бўлди.

— Мана шу қизалоқдаям рўзғор ташвиши, қаранг-а!

— Ҳой, бунча нолиманглар,— деб харидорларнинг сўзини бўлди сотувчи аёл,— бўш-баёв ўсгандан кўра боланинг мана шунақа пишиқ бўлганиям яхши. Пухтароқ ўсса, оғзидаги ошини бировға олдиравермайди.

Қарасам, бу одамларнинг гапи ҳали-вери тугамай-диган. Бири олиб, бири қўйяпти.

— Қани, кетдик,— дедим Нилуфарға сотувчи билан ҳисоб-китоб қилиб бўлгач.

Нилуфарнинг қўлида яп-янги шилдироқ пул. Буханка нонни бағриға босганча дўкондан чиқди. Харидорлар

алланималар деб, изимиздан қараб қолишди. Катта йўлдан ўтгач, неварамга юзландим:

— Жон болам, чарчадинг, энди нонни менга бера-қол.

Нилуфар:

— Йўқ, ўзим кўтараман,— деганича олдимга тушиб келаверди. Уйга яқинлашгач, у ўзининг уйи томон юра бошлади.

— Қаёққа?— деб сўрадим.

— Дадаси,— деди у,— энди мен уйимга бораман.

— Уйга борадиган бўлсанг, нонни менга бериб кет,— дедим.

— Йўқ,— деди у, нонни маҳкам бағрига босиб,— дадаси, бизанинг уйдаям юмшоқ нон йўқ.

Нилуфар шундай дедию орқасига қарамай, уйи томон югургилади. Дарвозаснга яқинлашгач, тўхтаб мени чақирди:

— Дадаси, юринг, бизанинг уйда чой ичасиз...

ТИЛЛА ҚИЗИМ

Бизнинг Юнусобод томонларда Нигина исмли қизалоқ яшайди. Кўп болалар қатори эрталаб боғчага боради. Боғчадан келгач, қанақа овқат егани, қанақа ўйин ўйнагани ҳақида бизга ҳисоб беради. Фақат унинг бошқалардан ажралиб турадиган битта томони бор.

Ҳозир кунда ойнаи жаҳонда нима кўп — ўз молни, корхонасини тарғибот қиладиган кўп. Нигина ана шундай тарғибот бошланиши билан кўзлари ўйнаб тикилиб туради. Айниқса, шоколад турлари кўриниши билан лабларини ялаб, энтикиб тамшанади:

— Бужижон, мангаям «Сникерс» олиб беринг.

— Хўўп, онажон,— дейди бувиси.

Хўпни эшитган Нигина лабини чўччайтириб, онасига қарайди.

— Бужижон менга сникерс олиб берадила.

Нигинанинг тили жон сўзи билан чиқди, десам ишонаверинг.

Холаси келса, холажон, тоғасини кўрса, тоғажон. Поччалари уни кўриши билан дарров чўнтак ковлашга тушади.

— Поччажон,— деб ҳар бирининг бўйнига осилади.

Нигина қачон ёнимга келиб ўтирса, одатдагидек бошлайман:

— Нилуфар она қизим, Нодира ота қизим. Даврон полвон ўғлим. Сардор эрка ўғлим.

Бу эркалатишларимни кўриб, Нигинанинг ранги оқара бошлайди. Еноғидаги кулгичлари таранг тортилади. Кўзимга қарайди. Қачон меннинг отимни тилга олар экан деб кутади. Садо чиқмагач, сўрайди:

— Дадажон, мен ямонманми?

— Йўқ,— дейман ўтирганларга кўзимни қисиб.— Фақат улар айтганларимни қилади. Сен бўлсанг, ҳозир дейсану ваъдангни дарров унутасан.

Онаси унинг қулоғига бир нима деб пичирлади. Нигина келиб бўйнимга осилди.

— Дадажон, айтганлайиззи қиламан.

Барибир шу куни унинг олдига набираларим исмини такрор-такрор тилга олиб, эркалатувчи сўзлар айтдим. Нигина ахийри чидай олмади:

— Дадажон, улар кетди,— бу билан у номини тилга олаётган набираларингиз узоқда яшайди. Бу ерда фақат мен борман, демоқчи бўлди.

— Улар овозимни эшитади,— дедим.

Нигина ҳайратга тушди. Дадажон деб ёнимдан кетмади. Мен индамадим.

Одатдагидек эрталаб барвақт турди. Мен чой қўйишга унадим. Бувиси дастурхон тузата бошлади. Даҳлиздан тўп этган овоз келди.

— Қара-чи,— дедим ўғлимга,— бир нима тушди.

— У Нигина,— кулди бувиси.

— Ие, уйқудан уйғондями? Ҳечам эрта турмасдику. Чақир бу ёққа.

— Индаманг,— деди бувиси.— У иш қилаяпти. Кейин кўрасиз.

Барибир сабрим чидамади. Эшик орқасидан уни кўзатдим. Нигина атрофига оёқ кийимларимизни йиғиб олиб, бирма-бир ҳўл латта билан артар, бир ёнида ярим тоғора сув, бир ёнида қуруқ латта.

— Қизиқ-ку,— дедим.

— Қўйинг, ўрганси,— маслаҳат берди бувиси.— болалигидан ана шуларни ўрганиб борса, кўзи пишиб, қўли ишга боради. Қиз бола. Ҳали келин бўлиши бор. Қанақа хонадонга тушади.

— Уххў,— дедим,— ҳали унғача...

— Сизга «ўххў». Қиз бола дарров кўзга ташланади. Иш ўрганса, борган хонадонни обод қилади. Энди бу набирайизниям бир эркалатиб қўйинг.

— Вой-бўй,— дедим.— Уларнинг ҳаммаси оналарим.
Ким уларни ажратяпти.

Даҳлиздан Нигинанинг овози келди:

— Бужижон, тап-таплайizzi тозалаб қўйдим.

Тап-тап-у оёқ кийимини шундай атайди. Кўп ўтмай
Нигина яна овоз берди.

— Тоғажон, тап-тапийиз лой экан.

— Қара-чи,— дедим бувисига,— ҳозир набиранг
менгаям танбеҳ беради.

Биз чой ичишда давом этдик. Даҳлиздан тикир-ти-
қир этган овоз эшитилиб турди. Аммо Нигина жим эди.
Анчадан кейин эшик қия очилиб, Нигинанинг боши кў-
ринди.

— Кел-кел, она қизим,— унн эркалатиб бағримни
очдим.— Қани буёққа ке-чи.

Нигина мўлтираб туриб сўради:

— Дадажон, попоғийиз қани?

— Кечқурун юварсан. Кел, ҳозир чойингни ич, тил-
ла қизим,— дедим.

У ёнимга келиб ўтирди.

— Боладан ширип сўзиззи сира-сира аяманг,— деди
бувиси.

— Оббо,— дедим.— Сизларга гап топилди.

Нигина боғчага, мен ишга кетдим. Кечқурун қайт-
гач, Нигинанинг чопқиллаб бувисига қарашиб юргани-
ни кўрдим.

Мен дастурхон атрофига чўкишим билан олдимга
пиёла келтириб қўйди. Овқат келганида ҳаммамизнинг
олдимизга қошиқ териб чиқди. Уннинг бу ҳаракатидан
яйраб кетган бувиси менга юзланди:

— Сен кимсан, қизим, деб сўранг-чи.

Сўрадим.

— Сен кимсан, қизим?

— Мушулмонман,— деди Нигина.

Бувиси, онасига ғалати қараш қилдим.

— Тарбия зўр-ку.

Нигина бизнинг гап-сўзларимизга эътибор бермай
анчагача оғзимга тикилиб тураверди. Қараса, ҳали-бери
сўзимиз тугамайди. Сабри тугаб, енгимдан тортди.

— Айтмайсизми?

— Нимани?

— Нилуфар она қизим, Шайдол ота ўғлимни.

— Ие, ҳа. Мана эшит. Нилуфар она қизим, Нодира
эрка қизим, Нигина...— унинг отини айтиб бирпас на-
фас олдим. У бўйнимга ёпишди.

- Нягина тилла қизим. Айтинг.
 Шундан кейин қайтадан бошладим.
 — Нилуфар она қизим, Нодира эрка қизим, Нигина тилла қизим.
 Буёғини Нягина давом эттирди:
 — Давён полвон ўғлим, Шайдой ота ўғлим.
 — Нягина,— дейишим билан ўзи жавоб берди:
 — Тилла қизим...

АЗИЗ, АЗИЗ, ЯНА АЗИЗ

Кейинги пайтда қариндош-уруғ, қўни-қўшни орасида Азизнинг номи тез-тез тилга олинадиган бўлди.

Бирор бола шўхлик қилса, Азизни таниганлар дарров гап қотишади.

— Вой, Азизга ўхшар экан-а?

Тили чучук болани кўришса ҳам: «Азизга ўхшар экан-а?» Ерга ётиб хархаша қилса ҳам: «Азизга ўхшар экан-а». Чиройли бола ҳам Азизга ўхшайди. Боғчадан қочиб келгани ҳам. Қим нима қилса, Азизга ўхшатишаверади. Ҳаммага ҳам ўхшаб кетадиган Азизни кўргим келаверади. Унинг ота-онасини меҳмонга чақирдим. Табиий, Азизни олиб келишди. Менинг бу ниятимдан меҳмонлар беҳабар эди.

Эшик тугмаси босилди. Очдим. Мен кутган меҳмонлар. Одат бўйича «келинг, келинг» бошланди.

— Амакинг билан кўришмайсанми?— ўғлига қаради отаси.

— Қани, қани,— дедим қўлимни чўзиб,— той бола, кўришайлик.

Азиз кафтимга қарс этиб урди. «Шаламалайкум!»

— Зўрсан-ку,— дедим уларни уйга таклиф қилиб.

Биз меҳмонлар билан ўрнашиб ўтиргунча Азиз хоналарни айланиб чиқди.

— Амаки,— деди бу гал бурро тилда.— Уйида ўн битта эшик бор экан.

— Йўқ-е.

— Рост.

Азизнинг ота-онаси кулиб юборди. Уғлини ёнига чақирди.

— Жим ўтир. Амакигни жаҳли ёмон-а.

Шунча йил яшаб, уйимизда нечта эшик борлигига эътибор бермаган эканман. Ичимда сараб чиқдим. Тўппа-тўғри. Уйга ботганимни кўрган Азиз қўлимдан тортди.

— Амаки, ёмон жаҳлийиз қаерда?

Кулгу бўлсин учун бурнимнинг учини кўрсатдим.

— Бурнийиз билан гапирасизми?— деди Азиз.

Ота-онаси хижолат тортди.

— Кўп маҳмадана бўлаверма. Ҳозир боғчага топшириб келаман.

— Бугун отдух,— жавоб берди Азиз.

Мен унинг жингалак сочларини силадим. Қўлига шоколад тутқаздим. Азиз «Пахтакор» шоколадини оларкан, сўради:

— Амаки, сиз ҳам шоколадни шкафга қулфлаб қўясизми?

— Вой, ўлмасам,— бетини тирнаган бўлди онаси.

— Мана кўриб турибсан, ҳаммаси стол устида.

— Алдаяпсиз,— деди шоколадни тишлаб Азиз,— биза кетгач, яшириб қўясиз.

— Оббо,— дедим кўнглимда, мақтаганларича бор экан. У яна типирчилаб уйларга кириб чиқди. Диван, карават остига эгилиб қаради. Меҳмонларга «олинг, олинг», дейману бутун нигоҳим унда.

— Амаки,— чақирди Азиз.

— Қўйинг, сизни ҳам овора қилди,— дейишди меҳмонлар бесаранжом бўлиб.

Ишхонамга кирдим. Азиз китобларга анграйиб қаради.

— Ҳаммаси ўзийизникими?

—Ҳай.

— Буларни нима қиласиз?

— Уқийман.

— Вуй, бошийиз оғримайдими?

— Оғримайди.

— Адамларнинг бошлари китоб ўқисалар, оғрийди.

— Жим,— деган зардали товуш эшитилди.

Азизга рангли китобча бериб чиқдим. У яна қўлимдан тортди.

— Амаки, ману уйизни бир кўрай.— Азиз қулфлик хонани кўрсатди. Очдим. У сервантдаги рангли идишларга қаради.

— Амаки, сиз магазинда ишлайсизми?

Отаси уни даст кўтариб олиб чиқди. Енига ўтқазди. Сўхбатимиз бўлинди. Кўп ўтмай меҳмонлар «кетамиз»-га тушди.

Азиз менга кўзларини пирпиратиб қаради.

— Амаки, бугун сизникида қолай?

— Қолавер,— дедим.

— Амаки хўп дедилар,— Азиз отасининг юзидан «чўлп» этиб ўпди.— Сизам «хўп» денг.

Мен кулиб юбормаслик учун секин чиқиб кетдим. Азиз онаси билан отасига астойдил ялинди:

— Ада, менга бир кунга «отгул» беринг.

Азизнинг онаси оғзини беркитди, ammo отаси чидолмади. Хонада каптар қанот қоққандай қаҳқақа кўтарилди.

МИТТИГИНА БЕОЗОР

Ҳар гал эшик қўнғироғи жирингласа, Наргиза шошиб ўрнидан туради.

— Ойи, ойижон, адамла келдила.

Ойисининг ранги оқаринқираб, эшик томон юради. Наргиза эшик очилишини бетоқат кутади.

— Ойижон, тезроқ очинг.

Ойиси шошмайди. Одатдагидек эшик ўртасига ўрна-тилган махсус кўздан ким экан, деб разм солади. Қиё-фасини танигач, эшикни очади. Типирчилаб турган Нар-гиза рўпарадаги қўшни ёки таниш одамни кўриб, бў-шашиб кетади. Ойисининг этагидан тортади.

— Адам яна келмадилами?

Ойиси уни жеркиб беради.

— Бор, ўйинчоғингни ўйна.

— Ўйнаб бўлдим-ку.

Наргиза маънос тортади. Деворга ёпишгудек бўлиб, қўли билан юзни беркитади.

— Ўзийиз бугун келади дегандийиз-ку.

— Борр, бошимни оғритма. Адаг...— Ойиси уни бағрига босади.— Сени мен эртага ҳайвонот боғига олиб бораман.

Инғламоқчи бўлиб турган Наргизанинг бирдан чеҳ-раси ёришади.

— Ойижон, филни кўраман-а! Айиқниям, жирафа-ниям!

— Ундан баттариниям кўраминиз.

— Адамла меми скамейкада кутиб оладилар-а.

— Ҳаа,— дейди ойиси алам билан,— ер ютиб кет-маган бўлса, кутиб олади. Бор энди, кўп бошимни оғ-ритма.

Наргиза дарров жавоб қайтаради:

— Ойижон, бошийиз оғриётган бўлса, дори ичинг,—

у бориб: шкаф тортмасини очади.— Мана бу ерда дори кўп.

Наргиза бир даста дорини чангаллаб ойисига кўрсатади.

— Ана дори, ичиволинг. Кейин бирга ҳайвонот боғига борамиз. Ҳозир мен кийинман. У ерда бизани скамейкада китоб ўқиб ўтирган адамла кутиб оладила. Кейин менга живачка олиб берадила.

— Ҳа, олиб беради,— дейди ойиси.

— Сизгаям бераман,— тамшаниб лабини ялайди Наргиза.

Ойиси унга танбеҳ беради:

— Жимм!

— Сизга живачка бермайман,— аразлаган бўлиб тумшаяди Наргиза.

— Бермасанг берма. Манам сенга конфет бермайман.

Наргиза ойисининг чўнтагига ёпишади.

— Конфет қайси чўнтагийизда, оин.

— Жим ўтирсанг бераман.

Наргиза хонтахта четига бориб ўтиради. Ойисининг чўнтак ковлашини кутади. Ойиси чўнтагига қўл солиб, узоқ ковланган бўлади. Кейин қўлини орқасига қилиб, Наргизанинг боши устига келиб конфетини очади.

— Манаа.

— Вой, биттами?

— Биттани топганимга шукр қил.

— Жим ўтирсам, яна конфет берасизми?

— Туй-пўйга борсам, яна ният қилиб чўнтагимга солиб келаман.

— Ойижон, манам сиз билан келин кўргани бораман.

Наргиза конфетни оғзига солиб, бирпас шимиғач, хаёл суриб ўтирган ойисининг ёнига бориб ўтиради. Конфетни ойисига тутлади.

— Ойижон, манг, сиз ҳам шиминг. Ширин экан.

Ойиси индайвермагач, бўйнидан маҳкам қучоқлайди.

— Ойижон, мен сизни яхши кўраман.

— Ман бўлсам сани ёмон кўраман.

Наргиза нега дегандек ойисига ҳайрон бўлиб термулади. Ойиси уни тергашга тушади:

— Агар бундан кейин эшик жирингласа, дадам келди деб, эшикка қараб чопсанг, сени ташлаб осмонга учиб кетаман.

— Сиззи қанотийиз йўқ.— Наргиза ойисининг атрофида айланади.

— Хафа қилсанг, қанот чиқариб учиб кетаман.
Наргиза ойисининг юз-кўзларидан ўпа бошлайди.
Тиззасига ўтириб олади.

— Ойижон, мен сизни хафа қилмайман.

— Фақат битта ойижоним бор, дейсана.

— Фақат битта ойижоним бор!

— Мениям битта қизим бор.— Ойисининг кўзлари-
да ёш қалқийди.

— Нега йиғлаяпсиз, ойижон. Хафа бўлдийизми?

— Йўқ. Битта қизим бўлгач, нега йиғлар эканман.
Сени, мени хафа қилганлар қон йиғласин.

Наргиза ойисининг кўз ёшларини бармоқлари билан
артади.

— Ман санга атлас кўйлак олиб бераман. Ғата-ғут
бўлса, тўйга олиб бораман.

Наргиза эркаланиб кетади.

— Ойижонн...

— Жони.

— Тўй бўлса, ғата-ғут келади-а.

— Ҳа, қизим. Қарнай-сурнай чалинса, ғата-ғут бў-
лади. Келин келади.

— Мен ҳам келин бўламанми?

— Катта бўлсанг, чиройли келин бўласан.

Наргиза ётоқхонасига кириб кетиб, ойисининг узун
рўмолини ўраб чиқади.

— Мана, мен чиройли келин бўлдим.

— Энди келин салом қил-чи.

Наргиза эгилиб салом қилади.

— Вой она қизимдан айланай.— Ойиси уни бағри-
га босади.— Борақол энди, қўғирчоқларингни ўйнат.

— Уларининг ўйнагиси келмаяпти.

— Вой маҳмадонагинам-ей. Йўқса, ухла.

— Ҳозир қўғирчоқларим ухляпти.

— Секин бориб ёнида ёт.

Ойисининг қасди-басди билан Наргиза ётоқхонасига
бориб кириб кетади. Ойиси жим ёт деб эшикни берки-
тади.

Анчадан кейин Наргизанингни овози эшитилади. Ойи-
си эшикни секин қия очиб мўралайди. Жим кузата бош-
лайди.

Наргиза атрофидаги қўғирчоқларини бирма-бир қў-
лига олади.

— Филжон, саниям аданг йўқми? Ташлаб кетдимми?
Қўй, хафа бўлма. Хафа бўлсанг, ойинг қанот чиқариб

осмонга учиб кетади.— Кейин кўк кўзли қўғирчоғининг кўзига тикиладн.— Барбее, саньям адангла йўқми? Қўй, йиғлама.

Наргиза қўғирчоқларни ўзи ётадиган «калавот»га териб чиқади.

— Энди жимгина ётингла. Эшик жирингласа, адам келдила, деб чопқиллаб чиқмангла. Эшитдиларингми? Гага-гут чалинса, мен сизларни тўйга олиб бораман.

Наргиза ўйинчоқларнинг устига кичкина кўрпачасини ёпди.

— Кўп-кўп ухлагла, хўпми. Энди мен бориб кирчирларингни юваман.

Наргиза эшикни очади. Ойиси ўзини панага олади.

— Ойижон. Ойижон.

Ойиси уни елкасидан қучоқлайди. Наргиза ойиснинг қўлларни силайди.

— Ойижон, қўғирчоқларим ҳам сизин хафа қилмайди.

Ойиси индамай ошхонага кириб кетади. Кўп ўтмай эшик қўнғироғи чалинади. Наргиза деворга қапишганича ойиснинг эшик очинини кутади. Эшик очилиши билан индамай қўғирчоқлари турадиган хонага кирадн. Анчадан кейин унинг таниш овози эшитилади.

— Ойижоним яхшила. Эшитаяпсизларми...

— Эшитаяпман,— ичида такрорлайди ойиси, сўнг пичирлаб дуо қилади.— Илоё сенинг бахтингни берсин, қизим.

НИГИНА

Совуқ туша бошлаган кунлар эди. Деразадан кўчага тикилиб ўтирган Нигина ҳовлиқиб ёнимга келди.

— Дадаси, юрийинг.

— Нима дейсан?

У енгимдан торта бошлади.

— Турийинг.

Бувиси, опаси унга қўшилди.

— Туринг-чи.

— Хўп,— дедим. Қўлимдаги пиёлани хонтахта четига қўйиб ўрнимдан турдим.— Мана турдим, хўшш, нима дейсан?

У қўлимга ёпишди.

— Ана буёққа юрийинг.

— Қаёққа?

— Бу ёққа юрийнг,— у дераза томон судради. Кейин пардани қия очиб кўрсатди.

— Ана, уёққа қаранг.

— Қаёққа қарай?

— Уфф,— деди Нигина,— нима, кўрмаяпсизми?

— Кўрсат, нимани кўрай?

— Анави дарахтлар орасидаги гулни кўринг. Ана, ҳў ана,— Нигина мана бу ёққа қаранг, деб ойнага кўрсатгич бармоғини тиради.

Тикилиб туриб Нигина кўрсатган нуқтасини топдим.

— Кўрдийизми, анави гулни.

Дарахтлар орасида очилиб ётган бир дона қизил гулга кўзим тушди.

— Кўрдим,— дедим.

— Кўрдийизми,— яна таъкидлади Нигина.

— Ҳа-ҳа. Жонивор жуда кеч очилибди-да. Шериклари аллақачон уйқуга кетди.

Нигина менинг сўзларимни охиригача эшитмай, бидираб кетди:

— Ана ўша гул-чи, мен билан гаплашади.

— Қани, қани, нима дейди?— буёғи мен учун қизиқ эди.

— Ниги, мени кўраяпсанми, дейди.

— Сен нима дединг?

— Кўраяпман, кел, бирга ўйнаймиз,— дедим.

— Яна нима дединг?

— Дадамла қўймайдила, эшикларимиз берк, дедим.

— Гул нима деди?

— Гул дедики, зеркиб кетаяпман, дадангга айт, кўчага чиқарсин, деди.

— Дераза берк бўлса-да, гулнинг сўзларини эшитдинг-ми?

— Эшитдим.

— Шу совуқда кўчада нима қиласан?— гапини бошқа ёққа буришга ҳаракат қилдим.

— Дадажон, унда гул йиғлаб ўтиради-да.

Нигина қулоғини ойнага тутиб, жим дегандек бармоғини лабига босди.

— Ана, қулоқ солинг-а, гул мени чақиряпти. Тезроқ чиқ, совуқ қотаяпман деяпти. Яхшиси тезроқ очинг, дадажон.

Шу пайт аллақайдан шамол пайдо бўлди. Дарахтлар, буталар шохи тебранишга тушди. Нигина кўрсат-

ган гул ҳам силкина бошлади. Дераза орқасидан бу ҳолни кузатиб турган Нигина типирчилаб қолди.

— Дадажон, гулни шамол учириб кетади. Эшикни очинг.

— Унда тез чиқақол,— дедим.

Нигина эшик очиши билан онаси тўхтатди.

— Ҳой, кўча совуғ-а, қаёққа кетаяпсан?

Нигина нима қилай, деб менга мўлтираб қаради.

— Чоп, гулнинг ёнига,— дедим.

Нигина пастга қараб чопқиллаб тушиб кетди. Зиналардан унинг дўп-дўп оёқ товуши эшитилди.

— Набирайиззи шу совуқда кўчага чиқарасизми?— бувиси мени койиди.

— Қўйсанг-чи, баринг ваҳимачи, ундан кўра буёққа қара. Ҳа, олди кўзойнагининг тақиб ол. Яна қаниқани деб мени бошимни оғритма.

Бувиси шусиз ҳам сиздан яхшироқ кўраман деб, олдин энги билан кўз милқларини артди. Бирга кузата бошладик. Нигина ниҳоллар, гулбуталар орасидан юриб, ўша гулни топди. Кафтининг устига қўйиб авайлаб сийлай бошлади.

— Ана, кўрдингми,— дедим бувисига.

Бувиси жавоб бериш учун энди оғиз очган эди, онаси ҳай-ҳайлаб қизининг ёнига етиб келди. Нигинани даст кўтариб изига қайтди. Кўп ўтмай йўлакда набирамнинг йиғиси, қўйворинг, гулим зерикади, деган овози эшитилди.

Мен билан бувиси деразадан узоқлашдик. Онаси Нигинанинг йиғисига қарамай уйга олиб кирди-ю, тарақ этиб эшикни ёпди. Тепадаги илмоғини ҳам илиб қўйди. Нигина дам бувисига, дам менга илтижо билан қараб, деразага яқинлашди. Кафтининг орқаси билан ёшли кўзларини артди. Кейин менга ғалати қараб сўради:

— Дадажон, қаранг-чи, гул мени чақираяптими?

— Қизим,— дедим унинг кўзларига тикилиб.— Гулинг шивирлаб, «Нигинажон, қаватингга эсон-омон чиқиб олдингми», деяпти.

— Дадажон, гул менинг отимни қаёқдан биледи?

— Ишонмасанг, қулоқ сол. Мана ўзиям деразамиз томон қараяпти.

Нигина қулоғини ойнага ёпиштиргудек бўлиб, кулимсиради.

— Дадажон, эшитаяпсизми, пастга тушақол, деб мени чақираяпти.

— Чақираяпти, чақираяпти,— дедим.

Нигина ёнимизда турган стулга чиқиб олиб, қулоғимга шивирлади:

— Дадажон, онамла барибир кўчага чиқармайдилар. Ошхонадан онасининг овози келди:

— Отаа, ҳадеб неварайиззи эркалатаверманг. Ундан кўра ёт, денг.

— Эшитдингми,— кўзимни қисдим.

Нигина ёпиқ эшик томон юрмоқчи бўлди-ю, жим турганимизни кўриб, изига қайтди. Дераза ортидан гулга тиклиганча нндамай тураверди. Анчадан кейин унинг аламли овози қулоққа чалинди.

— Энди гул мени ҳечам чақирмайди. Совуқда йиғлаб ўтираверади.

ҚИЗИҚ ЭКАН

(Воқеий ҳикоя)

Аброр бувасиникига — қишлоққа бориб келгач ўзгарди. Олдин тамом бошқача эди. У дарс тугаши билан уйга чопарди. Апил-тапил нонушта қилиб мукка тушиб телевизор кўрар эди. Унинг китоб ўқиганини, дарс қилганини уйидагилар камдан-кам кўрарди. Китоб-дафтарлари хона бурчакларида очилиб-сочилиб ётарди. Бунга бижилдоқ сингисини — Лобар ҳам сабабчи эди. Аброр телевизор олдига чўкиши билан Лобар унинг энгидан тортарди.

— Тур, уйни супураман.

Сингисининг кундалик бу товуши Аброрга сира ёқмайди. Топган вақтини қаранг. Унинг телевизор кўргиси келса, сингисининг уй супургиси эсига тушади.

Лобар «турр» деб қистайди.

Аброр «й-ў-қ» деб туриб олади.

Ахийри Аброрнинг сабр косаси тўлади. Лобарнинг сочига тирмашади.

— Қўясанми, йўқми?

Лобар чинқириб йиғлаб, акасининг чангалидан юлқиниб чиқади-ю, телефонга ёпишади.

— Ҳозир милсага телефон қиламан. Сени олиб кетади.

Аброр олдинга бунга ишонмайди.

— Телефон қилиб бўлсан. Номерини билмайсан-ку.

— Биладан,— дейди Лобар.— «02» га айтсам...

— Ростданми?
— Рост,— деб Лобар телефон трубкасини кўтаради,— чақирайми?

Аброр бўшашиб қолади. Синглисига тишини ғижирлатиб қарайди.

— Бу номерни қаёқдан биласан?

— Фақат сен билмайсан, каллаварам, бунини ҳамма ёддан билади.

— Ҳали сен ўз акангни милсага топширасанми?

— Урсанг топшираман-да.

Аброрнинг хўрлиги келади. «Мана сенга, мана сенга», деганча алам билан китобларини синглисига отаверади. Лобар унга тутқич бермай, нуқул телефонни кўрсатади... Шу аҳволда дарсликлар бориб тушган жойда қолиб кетади. Эрталаб уларни топгунча алламаҳал бўлади.

Гап Аброрнинг қишлоққа боргани ҳақида кетаётганди. У қишки таътилни қишлоқда ўтказди. Ушанда қишлоқ йўлларини, томлар қалин қор билан қопланганди. Амакиси — Тоҳир ака дам олиш кунини томни кураимиз деб қолди. Томга шотини қўйди. Қоркуракни деворга суяб уйга кирди.

— Ота, томни қор босай деб қолибди. Кураман дегандим.

— Майли, болам,— жавоб берди Аброрнинг бир юз учга кирган буваси.

— Сиз анани кичкина уйга ўтинг. Унинг томини кеча курагандим.

Аброрнинг буваси кичкина уйга ўтди, танчага оёғини чўзиб ёнбошлади.

— Жиян,— чақирди амакиси,— мана бу китобларни буванг ўтирган уйга олиб чиқ.— Амакиси тоқчадаги китобларни авайлаб унинг қўлига тутқизди. Аброр зипиллаб ташиб турди.

— Мана, энди томни кураимиз.— Амакиси шотига кўтарилди.

Амакиси нега бундай қилди! Бувасини бошқа уйга олиб ўтиб, безовта қилиш шартмиди. Китобларни нега ўрнидан олди... Аброр шу ҳақда ўйларди... Кўп ўтмай амакиси томдаги қорни кураб тушди. Жиянининг елжасига бир қоқиб «ана шундай» деганича кичкина уйга кирди.

— Ота, тозалаб бўлдим, энди ўз жойингизга ўтасизми?

— Майли, болам!

Аброр бувасини суяб катта уйга олиб ўтди. Буваси тўрға ўтиб, ўғлини чақирди:

— Тоҳиржон, китобларни авайлаб жой-жойинга қўйгин-а.

Аброр амакисининг ҳар бир ҳаракатини кузатиб турди. Бир нима деб сўрашга ботинмади. Тоҳир амакиси шу билан тинчимасди. Уни қишлоқнинг катта кўчасига бошлаб чиқди.

— Қара, жиян,— деди амакиси,— бугун қор курайдиган кун шекилли. Кўпчилик томга чиқиб олибди.

Аброр қишлоқ томларига тикилди.

— Ҳеч нарсани сезмадингми?— сўради амакиси.

Аброр бошини сарак-сарак қилди.

— Ҳеч бўлмаса, уйда нега бундай қилдийиз, деб сўрайсан деб ўйловдим. Хафа бўлма-ю, кам ҳафсала экансан, жиян. Одам дегани бундоқ қизиқувчан бўлади. Яна кимсан, Имомали буванинг невараси.

Аброр қилт этиб ютинди. Ҳали амаким нега бундай қилди деган уйга борганди. Ушанда дарров сўраб қолганда-ку, амакиси ҳозир койимасди.

— Билиб қўй, шаҳарлик жиян,— деди амакиси,— бизнинг қишлоқнинг ўз удуми бор. Қарияси, китоби бор уйда нур бўлади. Баъзилар уни хазина деб ҳам аташадн. Улар уйда экан, биров томга чиқиб қор курамайди. Бу ҳурматсизлик саналади.

— Нега?— таажжубланиб сўради Аброр.

— Негаки, мана буванг мен учун ҳам, сен учун ҳам кўпни кўрган одам. Нима қилсак, у кишидан маслаҳат сўраймиз. Ҳатто сенинг отанг ҳам. Бизнинг бойлигимиз — хазинамиз у киши. Китоб эса — билим хазинаси. Ўқиганинг сари бойиб борасан. Яхши-ёмонни танийсан. Айт-чи, уларни оёқ ости қилиб бўладими?

— Й-ўқ,— жавоб берди Аброр.

— Ҳа, баракалла,— деди амакиси,— ана энди қор кураётган одамларга бир қара. Санаб кўр-чи, нечта.

Аброр ичида санай бошлади.

— Ун битта.

— Баракалла, тўғри санадинг. Билгинки, бизнинг қишлоқда ана шунча хазина бор. Баъзи уйда чол бор. Баъзисида китоб. Энг аввал ана шундақа томларни курашади...

Аброр қишлоқ томларига узоқ тикилиб қолди.

Аброр шаҳарга қайтгач ҳам бу манзара унинг кўз ўнгидан узоқ вақт кетмади. Фақат битта сўзни ўзича такрорлаб юрди. «Қизиқ экан».

Якшанба кун эди. Одатдагидек Лобар уйларни супуриб-сидириб бўлгач, Абборнинг дарсхонасига ўтди.

— Олдин китобларимни бошқа уйга олиб чиқаман, кейин супурасан,— деб туриб олди Аббор.

— Ойи, бунийизга қаранг, шипиргани қўймапти,— овоз берди Лобар.

— Қўй, супурсин,— деди онаси.

Аббор сингласини дарсхонасига киритмади.

— Билиб қўй,— ўшқирди Аббор Лобарга қараб.— Китоб — хазина.

— Вой ўқимишли-ей. Нар и тур. Уйни супурай.

— Қўймаман.

Аббор Лобарнинг йўлини тўсиб, йўл бермагач, онаси билан отаси кўрннди.

— Тинчликми ўзи?

— Супургани қўймапти, бунийиз. Хазина-хазина дейди,— жавоб берди сингласи.

— Хазинани орзу қилган ўғлимдан айланай,— онаси шундай деб Абборнинг пешонасидан ўпди.— Қўй, болам, синглинг уйингни тозаласин.

— Э...— деди Аббор онасига қараб,— ўзийиз билмайсиз...— У китоблари устнга чойшаб ёпди.— Мана энди супур.

— Ҳа, тузук,— деди отаси,— мана бу бошқа гап.

Аббор индамай хонтахта атрофига келиб ўтирди. Отасига ер остидан разм солди. Кейин уй бурчидаги шкафта терилган китобларга қаради. Буvasига ўхшаб отаси ҳам бир кун қарийди. У бирдан ҳушёр тортди. Кўп қаватли уйнинг томини қор босса, ҳозир ҳеч ким курамайди-ку, унда курашармиди...

Аббор эшитилар-эшитилмас «қизиқ экан» деб қўйди. Бу сўз унинг миясига қаттиқ ўрнашиб олганди.

ЧИЛВИР

Мастурабиби шанба, якшанба кунларини бетоқат кутади. Азонлаб туради, ҳовли юзини супуради. Дарвозасини очиб қўяди. Кўчага чиқиб атрофга аланглайди.

— Келишмаяпти, падар қусурлар,— ўзича сўз қотади.

Буни эшитган ўғли илиб кетади:

— Онажон, бир кун тинч ўтирайлик. Келишса, вой

бошим, деб ўзийзини қўярга жой тополмайсиз. Келиш-маса, йўлига чиқиб пойлайсиз. Қўйнинг, ота-онасининг бағрида юришсин.

— Айтасан-да.

— Нимани?

— Ҳа омбори бугдойга тўлгур. Қайси кампир наби-расини соғинмайди. Кутаман-да.

Ўғли тушунтиришга ҳаракат қилади:

— Онажон, бундоқ жонийизга раҳмийиз келсин.

Ота-онасини катта қилганииз етади. Чарчаб қоласиз.

Мастурабиби ўғлига қарайди.

— Отамга ўшаб менга ақл ўргатма. Жоним ана шу набираларимники. Бувисининг бағрида ўсмаган, унинг ҳидидан тўймаган бола эртага қандай бўлиб ўсади. Кимга меҳр қўяди. Боғчасигами?

— Унда уйда боғча очинг.

— Очаманам-да.— Мастурабиби бирдан ўйланиб қолди.— Мен-ку тайёрману анави шаҳар кўрган ота-онаси кўнмайди-да.

— Шуни билсайиз, кўп кўчага тикилаверманг. Қўйнинг, ўзлари билан овора бўлиб юришаверсин.

— Зернкаман-да, болам.

— Уйдаги набираларийиз-чи. Нима, булар бола эмасми?— ўпкалайди ўғли.

— Мен ҳеч қайсини ажратмайман. Кўпчилик яхшида.

— Келишса, ҳаммаёқнинг тити-питини чиқариб кетишадн. Пайпоқ қайда, оёқ кийимим қайда, бир ҳафта излаб юраман. Уйимиз уй эмас, бозорга айланади. Бунинг устига,— ўғли жилмаяди.

— Ҳа.

— Уйқу жонивор ҳам атрофийизда айланаверади.

Мастурабиби ёши бир жойга борганиданми ёки чиндан ҳам қариб қолдими, биқинига ёстиқ тегиши билан мудрай бошлайди. Баъзида эшитилар-эшитилмас хуррак отади. Уйқусираб туриб чап қўлини тортиб-тортиб туради.

— Жим,— дейди буни кўрган ўртанча ўғли кўрсаткич бармоғини лабига босиб,— онам тушларидаям чилвир тортаяптила. Аллақачон ечилиб кетганимизни билмаяптила.

— Кулманг,— деди унга хотини.— Ечилиб кетган бўлсайиз ҳам, ўша чилвирнинг бир учини менинг қўлимга тутқазиб қўйганлар.

— Қайнона билан келиннинг лойи бир ердан олинди, дейишлари шу-да.

— Жим,— дейди хотини.— Ойнмла ухлаб ётганда ҳам ҳамма гапни эшитиб ётадилар.

— Унда сенинг ҳам оёғиғни чилвир билан боғлаб, учини онамнинг қўлларига тутқизиб қўяман.

— Қўяверинг,— дейди хотини.— Барибир бир кун мен ҳам худо насиб қилса, у кишининг изини тутаман. Болаларимни қайнонамга ўхшаб кутиб тураман.

— Ё насиб...

Мастурабиби еттинчи ўғлини уйлантиргач, орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас, келин кўрди бошланди. Ушанда шанба ё якшанба куни эди. Бибининг ўғиллари, қизлари болаларини етаклаб келди. Ўғиллари алоҳида уйда, қизлари, келинлари яна бир уйда суҳбатни бошлаб юборишди. Чоқиллаб юрган набиралари ҳовлида ўйин бошлашди. Кичкина келин эса қозон бошида қолди. Биби ҳали оёғи чиқмаган бир набирасини бешикка беллади. Иккитасини икки биқнига ўтқазиб нон чайнаб берди.

Қараса, анави иккитаси ҳали-бери ухлайдиган эмас. Ўзининг эса кўзи юмилиб кетаяпти. Ола чилвирни олиб биттасининг оёғига боғлади. Бир учини қўлига ўради. Уртанча набирасини бағрига босди.

— Ухланглар,— деди дўқ урган бўлиб.

Набиралари жим туришди. Мастурабиби одатдагидек мудраб уйқуга кетди. Бувисининг бағридагиси ҳам кўп ўтмай пишиллашга тушди. Оёғига чилвир боғлангани судралиб овоз келаётган томонга талпинаверди. Чилвир ҳар тортилиб, таранг бўлар экан, кампир тортиб:

— Ухла,— деб сас берди.

Буни ошхона деразасидан кузатиб турган кичик келин пиқ этиб кулди. Қайнонам эшитмасин деб қўлини оғзига босди. Чилвирни судраб уй бўйлаб айланаётган набира кўп ўтмай гилам четида чўзилиб ухлаб қолди.

Иккала уйда суҳбат авжида эди. Кичик келинни эркаклар ўтирган уй эшигини секин қия очиб эрини имлади.

— Қодиржон ака!

— Қара,— дейишди акалари,— хотининг зерикиб қолди. Бундоқ чиқиб қарашни ўрган.

Қодиржон ошхонага ўтди. Хотини уни дераза томон бошлади.

— Қаранг.

— Нимани?

Келин кўрмаяпсизми, дегандек паст овозда шивирлади:

— Ойижоним...

Қодиржон дарров тушунди.

— Онам бизани ана шундай катта қилганлар. Урган,— деди-ю, суҳбатдан қуруқ қолмаслик учун изига қайтди.

Орадан кўп ўтмай бешикдаги чақалоқ бнғиллаб йнғлади. Мастурабиби уйқусираб кўзини очди.

— Ухла.

Чақалоқ йнғисини эшитган катта ўғли шошиб уйга кирди. Кирди-ю қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

— Онаа!

Мастурабиби кўзларини уқалаб, бешикни тебрата бошлади. Чап қўлига ўралган чилвир учини бушатди.

— Нима дейсан?

— Қўйинг шу одатийизни. Ҳаҳ, чилвир ҳам қуриб кетсин.— Катта ўғли бориб боласининг оёғига бойланган чилвирни ечди.— Ахир боланинг оёғини қисиб қўйибти-ку.

Мастурабиби жавоб берди:

— Болам, қочиб кетмасин дейман-да.

— Қочиб қаёққа борарди. Бизаниям ана шу чилвир билан оёғимизни боғлаб ўстирдийиз. Ҳануз каловла-ниб юрамиз. Энди буларга. Қўйинг елиб-югуришни ўргансин.

Мастурабиби дам бешикка, дам ўғлига тикилди.

— Ипларингни тортиб турганим учун атрофимда юрибсанлар-да, болам. Ипини узиб қочганларда она нима қилади. Остона нима қилади. Мол ҳам ипи ечилса, ҳар эшикка бош суқади.

Она-бола суҳбати жиддийлашганидан ҳушёр торган ўғли чакки эмассиз, дегандек, энгашиб онасининг пешонасидан ўпди.

Мастурабиби ўғлининг бу ҳаракатидан ийиб, тушунтирди:

— Болам, бу оддий чилвир эмас.

— Ҳа, нима бўлмаса?

— Менинг ҳароратим болалар танасига ўтиб турувчи томир бу.

— Йўғее,— деди ўғли,— шунинг учун ҳам ёнингиздан кетолмас эканмиз-да.

— Шундай,— деди Мастурабиби керилиб,— бу чилвирни бўш қолсанг, белнигга ўраб юр. Ечилиб кетма...

ОҚ ИЗЛАР

Зафарнинг буvasи қор из кўмар бўлди дегунча неварасининг қўлидан етаклаб кўчага чиқади.

— Юр, болам, дунё оппоқ бўлаяпти, оқлик, оқлик.

Зафар буvasининг бу сўзларини неча бор эшитган. Аммо ҳар эшитганда яна дил-дилдан яйраб кетади. Чопқиллаб буvasидан олдин ёғаётган қорга юзини тутди. Тойчоқдек ўйнагиси келади. Ёғаётган оқ капалакларни битталаб термоқчи бўлади. Тўйиб-тўйиб нафас олади. Ун йилдан бери шу ҳол давом этади.

Зафар ўшанда бор-йўғи бир ёшга тўлган эди. Қоронғу тушар-тушмас қор учқунлаб қолди. Собир бува деразани очиб кўкка тикилди.

— Ёғишингдан айланай-ей. Қаранглар, — у телевизор кўрнб ўтирган ўғли билан келинига юзланди, — қаранглар, қор ёғаяпти. Бунчалар осойишта, бежирим ёғади-я. Кошки, дунё шундай оппоқ бўлса.

— Ҳаммаёқни қор босади-ку, ота, — кулди ўғли.

— Қор босмайди, ўғлим, — Собир бува ўғлига қаради. — Осмоннинг оқ гуллари бу. Унинг ёғганини ҳам билмай қоласан. Айниқса, ўғлим, қор кечаси — жимлик пайтида кўп ёғади. Қандай қилиб тизза бўйи бўлиб қолганини эрталаб сезасан. У меҳрдай борлиққа сингади.

Собир бува деразадан қўлини чиқариб, қор парчаларини кафтига қўндириб, юзига суртди.

— Бунчалик оқ бўлмасанг, — кейин невараси Зафарнинг атрофида эмаклаб юрганни бирпас кузатгач, келинига буюрди:

— Келин, Зафарни иссиқроқ кийинтиринг, бир кўчага олиб чиқай, ўйнатиб келай.

— Шундай қорда-я.

— Қор-да, келин!

Собир бува невараси — Зафарни иссиқ кийинтиргач, бўйнигача чопонга ўраб, кўчага олиб чиқди. Келинининг ҳайратланиб турганини кўргач, йўлакай тушунтирди:

— Келин, боланинг кўзи кичиклигидан оқликка ўргансин. Катта бўлганида ҳам юраги пок бўлиб ўсади. Оппоқ оламга кўзи ўрганади. Қор эса оқлик, болам. Қораликдан асрасин.

Зафарнинг оёғи чиққач, буvasининг бу одатига тавом ўрганди. Қор учқунлади дегунча буvasини суюн-тиргани чопадн.

— Бува, бува, қор!

— Қўряпман, — дейди Собир бува, — ҳозир эмас, кечаси сайрга чиқамиз.

Зафар кеч бўлишини кутади. Буvasи уни оёқ товуши тингач, қор сайлига олиб чиқади. Қўлидан ушлаб олиб қорли кечада юради.

— Омонлиг-ей, омонлик, — дейди буvasи қорни олиб Зафарнинг юзига эркалатиб ишқалар экан.

Зафар ҳам буvasининг сўзларини такрорлаб, унинг юзига эркаланиб қор ишқалаган бўлади.

— Омонйик, омонйик.

— Тили чучук болам-ей, — дейди Собир бува, — омонлиг-ей, омонлик.

Собир бува оғир тин олади. Ҳар доимгидек ўз тенгдошига гапирётгандек, Зафарга таниш бўлган воқеани айтиб беради:

— Қор ёққанда, танамдагн дардларим, қор эригандек сим-сим эриб кетади-я, болам.

Олдинлари Зафар буvasининг нега бундай дейишига тушунмасди. Кейин-кейин қор сайлида буvasи ҳаммасини айтиб берди:

— Уруш йиллари эди. Жанг қилавериб қоронғи кечада уч ярадор ўрмонда қолиб кетдик. Тонгга яқин бизни санитарлар топиб олишди. Шундан бери қорни кўрсам...

— Совуқ қотмадингизми, буважон?

— Жангчи совуқ қотармиди, ўғлим, кейин қор ёққанда одам совуқ қотмайди. Яна ким билади, яранинг оғирлигими... Фақат қор эриб, кийимимизга ўтганини билганмиз. Уччаламиз оғриқ азобида бир-биримизнинг пинжимизга тиқилиб олиб тонг оттирганмиз. Ушанда ҳам ҳеч ким ўз жонини ўйламаган. Кейин госпиталга олиб кетишган.

— Кейин нима бўлган?

— Нима ҳам бўларди, ўғлим. Госпиталда бизларни даволашган. Яна урушга кириб кетганмиз. Уртоқларимиздан бири ўшанда қор тагида ётганимизда, бечора орзу қилган эди:

«Собир, шу оппоқ қор ёққанда тинч сайр қилиш бизга насиб қилармикин», деб. Бечорага насиб қилмади...

— Унга нима бўлди, бува?

— Эҳ, бу кунларга етолмади, болам.

— Яна биттаси-чи?

— У амакинг ҳаёт. Ҳафсала қурсин. Унинг қзердалигини ҳам ҳозир аниқ билмайман.

Зафар буvasининг урушда қатнашганини, орденлари

кўплигини билади. Лекин буvasи урушда жанг қилганини камдан-кам гапиради. Уруш ҳақида сўз кетса, қуролдош дўстлари билан тушган суратларини олиб, юзкўзларига суртиб ўпади.

— Омонлик, омонлик, — деб пичирлайди.

Зафар буvasи билан қорли кечада сайр этар экан, Собир бува тайинлайди:

— Болам, ўша амакинг ният этган кунларда мана биз яшаймиз. Бу оқликни, омонликни қадрига ет. Дили пок одамнинг дўсти кўп бўлади. Дўсти кўп одамнинг юрти —осмони тинч бўлади.

Зафар буvasига тикилади. Ғарч-ғурч қилиб қорни босган сари буvasининг чеҳраси ёришади. Қоматини тик тутлади... Зафар шундай пайтларда яйраб кетади.

Невара-бува алламаҳал қор сайридан қайтади, юраги тошиб буvasига ўхшаб шивирлайди:

— Омонйик!

— Омонйик, омонйик!..

Собир бува бу сўзни эшитгач, қаддини тик тутлади. Неварасининг бошини силаб, чексиз осмонга тикилади:

— Омонлиг-ей, омонлик!..

О И Н У Р

Олой бозори бекатига трамвай келиб тўхташи билан охирги эшикдан уч қизалоқ трамвайга чиқиб олди. Трамвайда одам сийрак эди. Бўш ўриндиқлар анча бўлишига қарамай, уч қизалоқ трамвайнинг бурчагига тизилиб олиб, бир-бирига сўз бермай бижирлаша кетди.

Уларнинг қуйиб-пишиб сўзлашишидан тортишувлари трамвайга чиққунча бошланганини сезиш қийин эмасди.

Уч қизалоқнинг бири менга таниш. Шундоққина ён қўшнимиз Ҳамидулла аканинг кичик қизи. Оти — Ойнур. Қолган иккаласи — синфдош дугоналари бўлса керак. Чунки уччаласи ҳам мактаб кийимида. Қўлларида жилд.

Мен уларнинг гап-сўзларини бемалол эшитиб, кузатиб келаяпман. Иккала қизалоқдан кўра, Ойнур секин гапирар, сўзлаганда ҳам мен томонга қараб-қараб қўярди. Бу пайтда мен ўзимни эшитмаганга соламан. Ойнур бўлса хижолатда: «Секинроқ гапир, қўшнимиз эшитмасин», деган сўзни ўртоқларига қандай тушунтиришни билмайди.

— Уйимизда туфлиларни кўп, ҳаммаси импортний, адам олиб келганлар, — деди дум-думалоқ қизча.

Демак қизалоқлар кийим-кечак устида баҳслашаётганини сезини қийин эмасди.

— Менинг адам олиб берадилар, — деди Ойнур бўш келмай.

— Уҳҳў, — деди дум-думалоқ, қошлари қуюқ қизча Ойнурга бошдан-оёқ тикилиб.

— Менга адамлар Ленинграддан фирменний жинси олиб келадилар, — деди сочлари жингаласи.

— Олиб келаверишин, — деди Ойнур, — мен ҳам адамга айтаман. Адамлар ундан узоққа бориб олиб келадилар.

— Қачон? — сўради дум-думалоғи.

— Хоҳлаганимда, — деди Ойнур.

— Импортнийми? — сўради керилиб жингалак сочли қизча.

— Ҳа, импортний, — деди Ойнур.

Жингалак соч қиз бирдан қиқирлаб кулди:

— Узинг импортний кийимни кўрганмисан? Мана менинг туфлигим импортний, пальтом ҳам. Ҳамма нарсам.

— Узинг ҳамми? — сўради Ойнур.

Жингалак соч қизча парво қилмай:

— Узим ҳам, — деди қизариб.

Унинг сўзини дум-думалоқ қизча қувватлади:

— Унақа нарсаларнинг пули қиммат туради. Адамлар айтганлар.

Ойнур чидаб туrolмади. Иккала ўртоғи нимагадир унинг кўзини очирмасди.

— Адам нима олиб келсалар, ҳаммаси импортний, — деди ўзини дадил тутиб. Кейин қўшиб қўйди: — Нима кийсам, менга ярашади, ёқади.

Бидирлаб келётган иккала қизалоқ баравар кулишди:

— Вой мақтанчоғ-ей, ҳеч қачон импортний кийим киймагансан-ку. Нима кийса ярашармиш.

— Кийганман, — деди Ойнур. Кейин жимиб қолди.

Аначадан кейин:

— Менга нима кийсам ҳам ярашади, ойимлар шундай деганлар, — деди.

Трамвай Юнусобод бекатига келиб тўхтаганда, иккала қизалоқ тушиб кетди. Ойнур кейинги бекатда тушади. Унга зимдан тикилдим. У индамай трамвай

ойнасидан ҳамон бир-бирига гап маъқуллаб кетаётган иккала ўртоғига тикилиб бораяпти.

Ойнур бу йил иккинчи синфга қатнапти. Тўққизга кирибдики, опаларига тор келган кийим-кечакларни кияди. Лекин у бирор марта ҳам ота-онасига: «Янги кийим олиб беринг», деб хархаша қилган эмас. Ота-онаси навбати билан етти опа-укани янги кийдиради.

Ойнур то ўз бекатига етиб келгунча деразадан кўз узмади.

Мен ҳам унинг хаёлини бузмадим. Чунки у ўртоқлари олдида сира-сира ўзгармади. Аксинча ҳар бирига аниқ жавоб топиб берди. Ахир у, отаси билан онаси топиб келган, кийдирган ҳамма нарсанинг ўзига ёқишига, ярашишига ишонади.

Балки ўртоқлари буни сезишмас.

БАРФИЯ

Далада йиғим-терим тугашн билан Барфиянинг адаси ҳар йилгидек урушда қатнашган ўртоқларини бориб кўриш учун тайёргарлик кўради.

Адасининг урушда қатнашган ўртоқларидан бор-йўғи учтаси қолган. Бир — Кневда, иккинчиси — Минскда, учинчиси эса Ленинградда яшайди.

Барфия адасининг ўртоқлари кўп бўлганлигини яхши билади. Лекин нега совуқ қишда уларни кўриб келиш учун йўлга чиқишини, тўғриси, яқинда билиб олди. Чунки кўпчилик одамлар ёзда саёҳатга жўнайди, дам олиш уйлари, санаторийларга боради. Унинг адаси бўлса...

Уруш тугаб жангчилар эсон-омон уй-уйларига қайтаркан, ҳар йили биринчи қор ёққан кунда биримизникида учрашиб турамиз, деб қасам ичишган эди. Ушанда Ҳамид ака қаҳ-қаҳ отиб кулди:

— Бухорода ҳамма ёқдан кейин қор ёғади, майлими?— дейди. Қолган ўртоқлари ҳам тоза вақтни белгилабмиз-да, деб кулишади. Чунки Ҳамид аканинг ўртоқлари яшайдиган ерларда қор эрта тушади. Яна баъзилари сибирлик.

— Қалбимиздай еримиз ҳам оппоқ бўлган кунларда учрашамиз,— дейишади. Ана шу ваъдага ҳозир ҳам амал қилишади.

Ҳамид ака қуролдош ўртоқларининг меҳри оқибатидан йил бўйи ўзини қўярга жой тополмай юради.

Буни қарангки, доим йилнинг охирида албатта, Бухорода ҳам қалин қор ёғади. Қор камчил келганда учқунлайди... Ҳамид аканинг нияти — қорга кўзи тушиб, йўлга чиқса бўлди.

Бир гал қор ёққанда Барфия етти кунлик чақалоқ эди. Адаси уйга меҳмонларни бошлаб келди. Худди буюртма қилгандек, ерда тизза бўйи қор. Ҳамид аканинг суюниб, уйга кириб-чиқиб юрганини кўрган ўртоқлари уни остонада тўхтатишди.

— Типирчилаб, кириб-чиқавермай, бирпас ўтир ёнимизда, дийдорингга тўйайлик.

— Тўясизлар, — деди Ҳамид ака жилмайиб, — бир ёқда сизлар, бир ёқда чақалоқ. Остонамдан қўш бахт кириб келди.

— Уҳў, — бу товушдан кенг хона гулдираб кетди.

— Кўрманасини берсаларнинг, бешиги билан кўтариб чиқаман, — деди Ҳамид ака.

— Шулар кўлайсин деб, еримизни душманлардан тозаладик, — деди меҳмонлардан бири.

— Отини нима қўйдинг, Ҳамид!

— Сизларни кутаётган эдим, ўзларинг қўйиб бера-сизлар.

Меҳмонлар бир-бирига қараб олди. Ҳар ким ўзича исм танлади. Биров Қорқиз деса, биров Қорпошша деди. Ниҳоят Барфия деган исмга кўнишди. Барфия дегани аслида Қорқиз маъносини билдиришини бир-бирига обдон тушунтиришди. Қор ёққан кунда туғилганини таъкидлашди.

Барфиянинг туппа-тузук қизча бўлиб, бўйи чўзилиб қолганини амакилари ҳали кўришгани йўқ. Аммо у амакиларини расмидан яхши танийди. Улар ҳақида адасидан кўп эшитган.

Барфия ҳар доим адаси йўлга чиқар вақт яқинлашини билан ўзича тайёргарлик кўради. Ҳар бир амакисига алоҳида дастрўмолча тикади. Дастрўмолчанинг қоқ ўртасига «Барфиядан салом!» деб чиройли қилиб йўрмада ёзади. Унинг дастрўмолчалари амакиларининг уй тўрида авайлаб сақланаётганини адаси бориб келгач, мақтаниб айтади.

Ҳамид ака бу гал Киевга бориш учун ҳозирлик кўраяпти. Ҳозирлик кўраяпти-ю, осмонга қараб қўяди. Барфиянинг ҳам кўзи осмонда. Аксига олиб совуқ шамол эсади-ю... Қор ёғмайди. Бетоқат қарға бўлса, шохдан-шоҳга қўниб «қорр—қорр» дейди.

Иилнинг сўнги ҳафтаси бошланди. Тонгга яқин Ҳамид ака қизини уйготди:

— Барфия, Барфия...

Барфия кўзини очиб, адасига қаради.

— Тур, қизим, қор ёғаяпти. Қор!..

ҚОВУН САЙЛИ

Нигоранинг буваси кенг елкали, қоматдор, катта одам. Ҳозир ҳам отга минса, отнинг бели қайишиб, кейин ўзини зўрга тиклаб олади.

Майли, ҳозир гап бу ҳақда эмас.

Буваси ҳар гал шаҳарга тушганида Нигорани ўйнатади. Уйда қолса, чўзилиб олиб қорнига неварасини чиқаради. Қизиқ-да, буваси нафас чиқарса, Нигора бувасининг қорнига ўрнашиброқ ўтиради. Нафас олса, невараси сирғалиб ерга тушади.

— Қани тоққа тирмашиб чиқ, — кулади буваси. Нигора бўлса қиқирлаб чиқади-ю, тўп этиб думалаб тушади. Борди-ю, буваси билан кўчага чиқса, тамом, каттау кичик уларга қарайди.

— Ҳар бир елкасыга тўрт одам ўтиради-я.

Буваси бу гапни эшитиб, худди бировга гапираётгандек неварасига жавоб беради:

— Юрак кенг-да, она қизим.

Нигора бу гапнинг маъзани чақолмайди. Шарт эмас. Фақат унинг қанақа буваси борлигини бир кўриб қўйишин.

Бу йил мана Нигора биринчи синфни битирди. Буваси уни атай қовун сайлига таклиф қилди. Нигора келиши билан буваси уни полизга ола кетди. Пушталар оралаб юрар экан, буваси унга тушунтирди.

— Мана бу томонда—ҳандалак. Буниси — Босиболди деган қовун. Ҳу ана униси—Шерозий, ҳу қўзичоққа ўхшаб ётгани — Қорақанд. Буниси—Гулоби.

Нигора бувасидан қовунларнинг номларини эшитиб анграйиб қолди. Уларнинг фамилиялари ҳам борми, деб сўрашдан ўзини тийди. Буваси коптокка ўхшаган қовун тепасига келиб тўхтади.

— Бунинг номи — Бўриқалла. Гўштдори шу.

Нигора Бўриқалла деган сўзни эшитиб бувасига қаради.

Унинг кўз олдига ҳайвонот боғидаги кўрган бўри келди. Буваси гап нимадалигини дарров тушунди.

— Ҳа, ҳа. Номи шунақа, — кўз қисди буваси, — ке, шунисидан тотиб кўрайлик. — Буваси бир қучоқ келадиган қовунни кафтида кўтариб уни чайла томон бошлади. — Қани, патнисни олиб кел.

Буваси қовунга пичоқ тортиши билан тирсиллаб ёрилди.

— Вой, овун йиртилди, — деди кўзлари ола-кула бўлиб Нигора.

— Она қизим-ей, — хандон ташлаб кулди буваси, — бу азбарои ширага ботганидан. Қовун йиртилмайди. Шарбатга тўлса, худди шундай ёрнлади. Буваси унга коса қилиб берди. Нигора ярим коса қовун емасдан қўлини тортди.

— Тўйдим.

— Кечроқ ерсан, — деди буваси. — Энди, она қизим, кечда шу чайлада қолиб, полиз қўриқлаймиз. Мен билан қоласанми?

Нигора қоламан деб розилик берди. Анчагача буваневара полиз ёнида ёнбошлашиб, гаплашиб ўтиришди.

— Ке, энди ухлайлик, — деди буваси, — вақт ҳам алламаҳалдан ошди.

Нигора хўп деб кўрпа орасига кирди-ю, негадир ҳадеганда уйқуси келмади. Қизиқ, шаҳарда аллақачон ухлаб қоларди. У осмонга тикилди. Мана, юлдузлар ора-лаб тўлин ой сузиб бораяпти. Чигирткалар бири олиб, бири қўйиб басма-бас «чир-чир», «чир-чир» сайраяпти. Полиз этагида узун симга заижири илинган Қоратой ҳам жимжит. Нигора буваси томон ёнбошлади. У ух-лаяпти. Қулоғига «тарс» этган товуш эшитилди. Қоратой «вов» деди-ю, яна жимиди.

— Бува, бува, — Нигора шошиб бувасининг пинжигига кирди.

— Ҳа, она қизим?

— Биннама тарс этди. — У қўрқиб жавоб берди.

— Ҳа, қовун-повун ёрилгандир. Ётақол, она қизим. — Буваси шундай деди-ю, унинг елкасига кўрпасини тортди.

У нима дейишини билмади. Боши қотди. Ахир Нигора шарларнинг ёрилганини кўп кўрган. Лекин шар дегани ҳам ўз-ўзидан ёрилмайди. Пуфлайверсанг, пуфлайверсанг, чидолмай «пақ» этади. Ёки ҳазиллашиб, нина санчсанг. Лекин... Нима, қовун шарга ўхшайдими? Ким уни... буваси беҳабар қолса-я...

Нигора қулоғи динг бўлиб, атрофга қулоқ тутди.

Ползнинг этагидан яна «тарс» этган овоз келди. Энди у бувасини уйғотишдан чўчиди. Аммо ўзи ташвишга тушди. Қовунларнинг ҳаммаси бу кеча ёрилиб кетса-я...
Нигора шу ташвишда ўйлай-ўйлай ухлаб қолди.

БУХОРОНИ ҚАЧОН ҚУРАМИЗ

Юлдуз билан Бухорога бирга борадиган бўлдик. У суюниб кетди. Кечгача:

— Биза Бухолога боламиз, биза Бухолога боламиз, — деб дугоналарига мақтанди.

Эрталаб, боғча опасидан жавоб олиб, хайрлашаётганида ҳам, доим қўл ушлашиб, бирга ўйнайдиган Нигорага қараб алам қилсин, дегандек: «Адам билан Бухолога бораман», деб бошини қимирлатди.

Самолётда Бухорога учиб келдик. У шунгача индамади. Самолётдан ерга тушишимиз билан сўради:

— Ада, қани Бухоло?

— Бирпасдан кейин етиб борамиз, — дедим.

Шаҳардаги аммасининг уйига кириб бордик. Тошкентдан Юлдуз келибди деб, опамнинг болалари ўраб олишди. Ўйинчоқларини беришди. Қанақа ўйин ўйнаймиз деб, атрофида парвона бўлиб туришибди. Юлдуз бўлса, тез-тез менга қараб-қараб қўяди.

Онасини соғиндим деб ўйлайман. Дастурхон атрофида ўтирган қариндошларимиз ҳам шундай дейишди. Юлдуз ҳар қараганда қўлига шоколад тутқазамиз. Лекин у хурсанд бўлиш ўрнига қовоғини уюб олган. Бўлмади. Ёнимга чақирдим. Қорин очгандир деб, унга ярим коса шўрва сузиб келишди. Шўрва ичармикан десам, ичмади. Ҳар хил ўйга бордим. Чарчаганмикан ёки уйқуси келганмикан? Боғчада режим билан дам олишади. Айтганларимнинг бирортаси тўғри чиқмади.

Энгашиб, Юлдузнинг қулоғига шивирладим:

— Қорнинг оч қолдими?

У ҳам лабини чўччайтириб, оғзини қулоғимга яқинлаштириб сўради:

— Ада, Бухоло қани?

Унинг гапини эшитганлар кулиб юборишди. Кейин уялмасин деб:

— Сабр қил, ҳали Бухорога борамиз, — дейишди.

Юлдуз пинжимга кириб олди. Қарасам, йиғлайдиган. Кўчага олиб чиқдим. Шаҳар айлантирдим. Минора, мадрасаларни кўрсатдим. Барибир у:

— Ада, юринг, Бухолога боламиз, — дейишни кўй-мади. Нима деб, жавоб топсам экан. Шу шаҳарнинг ўзи Бухоро деб айтсам ҳам, «қани Бухоло», дейди.

Тоза зериктирадиган бўлди деб ўйладим. Эртаси кунни қишлоққа бувимникига бордик. Пахтазорни кўрсатдим. Ўзим ишларимни бажариш учун яна шаҳарга тушдим.

Қишлоққа, Юлдузни олиб қайтиш учун борсам, бувиси ҳам менга тайинладилар:

— Неварамга Бухорони томоша қилдир, зерикмасин.

Юлдуз бувисининг гапидан хурсанд. Қайтишда яна унга Бухоро шаҳрини томоша қилдирдим. Энди хурсанд бўлади десам, қовоғини осилтириб сўради:

— Бухолони кўрсатмадингиз-ку!

Тошкентга қайтдик. Уйга кирншимиз билан ойисига айтган биринчи гапи шу бўлди:

— Ойи-чи, адамла менга Бухолони кўрсатмадилар.

Кулгудан ўзимни зўрға тийдим. Кейин билсам, Юлдуз Бухорони бирорта қариндошимиз деб ўйлаган экан. Чунки ҳар доим унга «сени тоғанникига, катта буванникига олиб борамиз», деган сўзларимизни кўп эшитган. У сени Бухорога олиб борамиз, деганимизда ҳам, бирор қариндошимизникига борарканмиз, деб суюнган экан.

«Р»ни тўғри айтолмайдиган Юлдуз, ана шундай қилиб, Бухоро шаҳрига биринчи марта саёҳат қилиб қайтди.

Я Х Ш И Л И К

Ҳеч бировга яхшилик қилиб кўрганмисиз? Айтайлик, синглингизга, уқангизга, синфдошингизга? Сиз, жавоб топгунча тез-тез яхшилик қилиб турадиган Феруза ҳақида ҳикоя қилиб бераман.

Феруза расм дарсида берилган уй вазифасини бажараётган эди, бирдан Жаҳонгирни чақириб қолди:

— Жаҳон!

— Нима дейсан, — жавоб берди телевизор кўриб ўтирган укаси.

— Қизил рангли қаламни топиб бер.

— Ўзинг топ, — Жаҳонгир телевизордан кўзини узмай жавоб берди.

— Тополмаяпман.

— Тополмасанг топма!

Феруза бўяётган расмини чала қолдириб, Жаҳонгирнинг ёнига чиқди.

— Тур ўрнингдан деяпман. Топиб бер.

— Э... бор, кўрганим йўқ, — деди Жаҳонгир телевизордан кўз узмай.

— Кўрмасанг ҳам, топиб бер, — деди Феруза. Укаси индамай ўтиргач, астойдил ўпкалади, — мен сенга қанча яхшилик қилдим.

Жаҳонгир: «Нима яхшилик қилдинг», деган маънода елка қисди.

— Яхшиликни билмайсан-да, мана тониб турибсан. — ҳазил деган маънода Жаҳонгирга кўз қисдим. — Яхшилик қилгандан кейин топиб бер-да.

— Қаламини кўрмаган бўлсам, қандай топиб берман, — Жаҳонгирнинг кўзлари жовдиради.

— Яхшилик қилиб изла, — деди Феруза ёнини олганидан анча дадилланиб. — Больницада ётганингда ман санга ўз ҳаққимни бердим-ку. Эсингдан чиқдими яхшилигим.

— Бир марта узумнингдан бердинг, ўшанда ҳам озгина, — деди Жаҳонгир.

— Ҳа, маза қилиб единг-ку. Олмаларни-чи?

Жаҳонгир бўш келмади:

— Сани узумингми, адамла олиб келгандилар.

— Ҳа, адамла менга олиб келгандилар. Сенга ўз ҳаққимнинг ярминиг бердим. Сенга чой ҳам ташидим.

Атай уларнинг суҳбатини эшитиб, кейин яна нима бўлар экан, деб кулиб ўтирдим.

Феруза укасига қилган яхшиликларини санаб берди:

— Дафтаринг тугаганда, янги дафтар бердимми? Кейин янги ручка. Ўтган йили тутган папка-чи?

Эҳҳе, бир талай. Жаҳонгир бўлса, опасининг ана шу яхшиликлари эвазига бир дона қизил рангли қаламинни топиб бермади-я. Феруза ана шунга хафа-да...

Феруза яхшиликларини санайвергач, Жаҳонгирнинг ўғил болалигн тутиб кетди:

— Сани деб, манам касалхонага бориб ётдим-ку.

Ана шу ерда Феруза гап тополмай қолди. Бу аниқ гап. Феруза сариқ касал бўлиб касалхонага тушгач, врачлар укасига ҳам ўтибди деб, уни ҳам Феруза ётган касалхонага жойлаштиради. Опа-ука бир қаватда даволанишди.

Феруза сира касалга чалинмаган, қушдай енгил учиб юрарди. Уларнинг синфидан бир қизча бетоблангач, касалхонага олиб кетишди. Феруза дарсдан қайтиши

Билан Дилфуза опасига ваҳима қилиб, ўртоғининг дарс-да касал бўлиб қолганини, врачлар келиб касалхонага олиб кетганини айтди.

— Касал бўлсанг маза, — деди Дилфуза бамайлихотир.

— Нега? — сўради Феруза ҳайрон бўлиб.

— Касалхонада ётсанг, нима десанг, ойм билан адамлар олиб борадилар-да. Уйда эса хоҳлаган нарсангни олиб келмайдилар..

— Манам касал бўлсайдим, — деди ҳаваси келиб Феруза, — маза бўларди-да.

— Маза, — деди Дилфуза, — мен касалхонада ётганимда айтганимни қилишган.

Феруза табиий биз кўтариб борадиган нарсаларни, тугунларни тасаввур қилади.

Куз кунларининг бирида Феруза сариқ касалга ча-линди. Касалхонага жойлаштирдик. Уни «Тез ёрдам»да олиб кетаяпмиз-у, у бўлса менга илжайиб-илжайиб қўяди.

Мен опа-сингилнинг гап-сўзидан беҳабар, астойдил куйиниб тушунтираман:

— Зерикиб юрма, врачларнинг айтганини қил. Тезда тузаласан. Оппоқ қиз бўлиб тузалиб чиқасан...

Эртаси кунни кўргани бордим. Феруза мени кўриши билан бир варақ қоғозни қўлимга тутқазди. Унда қўйидаги нарсалар ёзилган эди:

«Беш шиша Тошкент суви, икки кило узум. Уч кило олма. Бешта иссиқ нон. Бир кило асал. Товуқ шўрва». Уқиб бўлишим билан тайинлади:

— Ада, ана шуларни эрталаб олиб келинг.

— Хўп, она қизим, — дедим кулиб. Уйга келсам, Дилфуза олдимдан кулиб чиқди.

— Феруза нима сўради? — деди.

Унга сингилси ёзган рўйхатни кўрсатдим. Дилфуза кулиб юборди. Кейин унга ўргатган гапларини айтиб берди.

— Яшавор-а, — дедим кулиб, — тоза ҳавасини келтирибсан-да.

Ферузанинг топшириқларини бажариб юрганимизда, укаси Жаҳонгирни ҳам ўша касалхонага ётқизишга тўғри келди. Жаҳонгирнинг ён палатага ётганини эширган Феруза мени ёнига чақириб қаттиқ тайинлади.

— Олдин мени кўргани келасизлар, кейин уни, —

Феруза қўли билан укаси ётган палатани кўрсатди.

— Хўп, — дедим кулиб ҳеч нарсани сездирмай, —

Зерикмасдан бир-бирларингдан хабар олиб туринглар.

Орадан кўп ўтмай опа-ука тузалишди. Олдин Феруза — кейин Жаҳонгирга жавоб беришди.

Мана ҳозир иккаласи ҳам мактабга қатнапти. Аммо кунора Феруза, укасига қилган яхшиликларини пеш қилгани қилган.

Жаҳонгирнинг тоқати-тоқ бўлди шекилли, гап тополмай қолганида: «Сан қўрқмагин деб мен ҳам касалхонага бориб ётдим-ку» деб қўяди. Феруза бунга чиппачин ишонади. Ичимда кулиб ўтираман.

Энг қизиғи, кейинги пайтда опа-ука камдан-кам бирига иш буюрадиган одат чиқарди. Ҳатто Феруза Жаҳонгирга бирон-бир нарса берадиган бўлса, укаси дарров ундан ўзини узоққа олиб, тумшаяди.

— Бу ҳам яхшиликми?

Феруза ана шундай пайтда жаҳли чиққан бўлиб, ўшқиради:

— Яхшилик бўлмаса ҳам, олавер.

Айтмоқчи, Сиз ҳам бировга яхшилик қилган бўлсангиз керак. Бир эслаб кўринг-чи? Феруза қилган яхшиликларга ўхшайдими ёки йўқми?

Борди-ю, яхшилик қилишни билмасангиз, албатта Ферузадан сўраб олинг-а. Унда бир қоп яхшилик бор. Сира-сира тугамайди. Бўлишиб олаверасиз.

П У М

(Жумбоқ ҳикоя)

Саида билан Мавлуда қўйиб қўйгандек бир-бирини ўхшайди. Иккаласи ҳам оқ-сарикдан келган. Ота-оналари келишиб олгандек доим бир хил кийим-кечак сотиб олишади. Саида қора атлас кийса, кўрибсизки, Мавлуда ҳам ўша куни қора атлас кўйлакда кўчага чиқади. Ҳатто бир куни Мавлуда ола-чипор кўйлак кийиб Саиданинг ҳавасини келтираман деганди, бўлмади. Дугонаси ҳам худди ана шундақа кўйлакда кўчага чиқди. Бўйи-бастининг тенглигини айтмайсизми?

Шунинг учун уйдагилари уларни адаштириб юришади.

Яқинда Саида ўйнагани чиқиб, ҳаяллаб қолди. Ота-си безовта бўлиб кўчага чиқди. Йўл бошида сариқ атлас кўйлак кийган Мавлуда копток ўйнардди. Саиданинг адаси уни чақириб қолди:

— Ҳой, Саида, йўл бўйида нима қилиб ўтирибсан, қани тезроқ уйга кир.

Мавлуда индамади.

Саиданинг адаси яна чақирди:

— Сенга айтаяпман, кеч бўлди, уйга кир.

Мавлуда ўндан бошқа ҳеч ким йўқлигини сезгач, Саиданинг адаси томон қаради:

— Амаки, мени чақираяпсизми?

Саиданинг адаси бирдан адашганини сезиб, дарров ўзини ўнглаб олди.

— Ҳа, Мавлуда қиз, бу сенми, дугонангни сўраяпман. Кўзинг тушмадими?

— Ҳув нариёққа кетди, — Мавлуда қўлини бигиз қилиб, боғ кўчани кўрсатди.

— Қизим, чақириб кел, — Саиданинг адаси мийнгида кулиб, — ҳа, яшагурлар, — деб қўйди. Аммо уйга қайтиб киргач, хандон отиб кулди.

— Намунча, — сўради Саиданинг онаси, — кўчада қизикчи бор эканми?

— Ундан ҳам зўр, — жавоб берди Комил ака, — буларингни ажратолмай кулгу бўлишим тайин. — Комил ака бор гапни айтиб берди. Эр-хотин биргалашиб кулишди.

— Яхши-да, қизларимиз кўпайса ёмонми? — ҳазиллашди Мунира опа.

Бўлмади, ота-оналар охири келишиб олишди. Саидага дўппи кийдиришди, Мавлуданинг сочига эса лента тақишди. Аммо мактабга боришгач, бу ҳол яна такрорланди. Ўқитувчи опалари ўқишнинг биринчи кунларида уларни ажратолмай анча қийналди. Кўп ўтмай уларнинг гап-сўзларидан дарров танийдиган бўлди. Сабаби Саида «С» ҳарфини «Ш» деб айтса, Мавлуда ҳаяжонланиб кетганда айтадиган сўзини йўқотиб қўярди. Аслида бор гап худди ана шундан келиб чиқди.

Баҳор эди. Мавлуда ўқитувчи опасини қувонтирмоқчи бўлди, синф деразаси қаршисида гуллаётган ўрик дарахтини кўрсатиб:

— Опа-чи, опа, қаранг, гуллар дарахтлаб кетди, — деди қувониб.

— Нима, нима, — тушунмади ўқитувчи.

— Гуллар дарахтлаб кетди, қаранг, — Мавлуда опоқ гуллаётган ўрикни кўрсатди.

Ўқитувчи ҳам, синфдошлари ҳам бирдан кулиб юборди. Мавлуда ҳеч нарсага тушунмади. Хафа бўл-

ганидан йиғлаб юборишига оз қолди. Уқитувчи сир-бой бермай Мавлудани эркалатди.

— Баракалла, қизим, сен айтмасанг, кўрмай қолардим.

Мавлуда бир оз ўзига келгач, кўрдиларингми, дегандек ён-верига қаради.

Дарс тугади. Уқитувчи борлигида жим турган болалар опалари чиқиб кетиши билан чулдираб қолишди.

— Мавлу, Мавлу, сувда ванна турибди.

— Мавлу, Мавлу, ойда осмон юрибди-а?

Болаларнинг гап-сўзи уланиб кетди. Мавлуда тумшайиб, папкасини олди-да, синфдан чиқиб кетди. Қий-чувлашган болалар орқада қолди. Саида дугонасига етиб олди. Иккаласи жим уйларига етиб келди. Одатдаги хайрлашадиган жойда жим туриб қолишди. Бу ҳол узоққа чўзилмади. Саида эркаланиб дугонасига сўз қотди:

— Мавлу, Мавлу, сувда ариқ оқадн-а?

Мавлуда бирдан юзини ўгириб, жавоб берди:

— Шайида, Шайида, шан, — Мавлуда бир нима демоқчи эди, айтадиган сўзини йўқотиб қўйди.

Кутилмаганда Саиданнинг ҳам юзи тундлашиб, жаҳли чиқди.

— Нега мени мазах қиласан. Мен..

— Бор-е, — деди Мавлуда, — энди ҳечам сенга ўхшамайман.

— Фу, — деди Саида, — ўхшамасанг ўхшама.

— Пўм, — деди Мавлуда бош бармоғини нягига тираб.

Саида ҳам бош бармоғини нягига тиради.

Икки дугона тумшайиб уйларига кириб кетишди. Аммо Мавлуда эшикни очар экан, «шоқов» деб қўйди. Бунн Саида эшитдимн-эшитмадимн, билолмадим.

Бир-бирига қуйиб қўйгандек ўхшаш икки дугона бир кунда тескари бўлди-қолди. Эртасига ҳам, индинига ҳам бир-бирини кутмасдан дарсга бориб келди.

Эшитишимча, икки дугона гаплашишга, яна аввалгидай иноқ бўлишга шошармишу лекин учрашиб қолганда сўз тополмай кетармиш. Уша топилмай юрган сўз нима экан-а?

ОЛТИН КАЛИТ

Бугун Юлдуз учун катта байрам. Яна сира-сирани унутилмайдигани. Алифбе байрамин. Энди у, эртадан

бошлаб, ўқий оладиганлар сафига киради. Шу кунгача ҳарф ўрганган бўлса, энди ёзади. «Ўқиш китоби»ни қўлига олади. Ҳақиқий ўқувчи бўлади.

— Ўқишни биламан, ёзишни биламан,— деб атрофимизда гир айланади. «Алифбе»сини бағрига босади. Китобининг сўнги бетларидаги шеърларни ёд айтади. Байрамимизга мен билан бирга борасиз, деб бизларни кистайди.

Юлдузнинг қувончини кўриб, бирдан ўқитувчим — Шарофат опани эслаб кетдим. Шарофат опам менинг биринчи ўқитувчим эдилар. Урта бўй, камгап, ўйчан юрардилар. Койишдан кўра, маслаҳат беришни яхши кўрардилар. Шунинг учун юқори синфда ўқиб юрган пайтларимизда биз у кишидан ҳар хил масалалар юзасидан маслаҳат сўрардик. Байрамларда албатта уйларига бориб, табриклашни қанда қилмасдик. Бу биз учун одат тусига кириб қолганди.

Биринчи ўқитувчимиз эса, бизларни: «Йигирма беш дона гулим», деб эркалатишни ёқтирардилар.

Бир кун Шарофат опа мени дарсдан кейин чақиртириб қолдилар. Бордим. Ўқишларимни, уйдагиларнинг соғлигини сўрадилар.

— Эртага — якшанбада вақтинг қалай? — дедилар менга тикилиб.

— Вақтим бор, опа, — дедим.

— Агар уйдагиларнинг жавоб беришса, меникида озигина ҳашарли иш бор эди, кела оласанми?

— Қеламаман, опа, — дедим.

— Бўлмаса, бир-иккита ўртоғингни ола кел.

Шарофат опа негадир ўша қўлларида ўқиб юрганимизда ҳам кўпинча иш юзасидан менга маслаҳат солардилар. «Хўп», дедиму синфга қараб чопдим. Рустам, Рашид, Саъдуллага айтдим. Бирга борадиган бўлдик.

Эрталаб опамизнинг уйига етиб борсак, ўқитувчимиз уста солган эканлар. Биз, ҳовли бурчагида қийшаиб турган ошхонани бузишимиз керак экан. Ишга киришиб кетдик. Рустам билан Рашид томнинг тупроғини тортадиган бўлди. Саъдулла иккаламиз ошхонадаги тақир-туқурларни ташидик. Бу орада томнинг усти очилди. Энди тўртталамиз синчлар орасидаги гувалаларни ажратиб ола бошладик. Ошхонанинг девори қўш синч экан. Гувалаларнинг ярмисини ажратгандик, қўш синч орасидан ўроғлик бир тугун чиқди. Рустам уни биринчи бўлиб қўлига олди-ю, чангини қоқар-қоқмас қизиқчилиги тутиб кетиб:

— Ура, опа, олтин топдик, — деб ҳалиги тугунни банданд кўтарди. Ёғоч ўяётган уста тешасини белига қистириб:

— Қани, бу ёққа олчи, — деб Рустамга яқинлашди. Рустам эса:

— Йўқ, йўқ, сизга бермайман, опамизники, — деб, баттар бизларни шошириб қўйди. Тугунни уй тозалаетган Шарофат опа олдига олиб бориб очди. Тугуннинг ичидан бир даста сарғайиб кетган китоб чиқди. Китобни кўриши билан:

— Ҳа, ншдан қўйдинг-а, қизиқчилигинг қурсин, — деб, уста нзига қайтди. Очиғи, Рустамдан биз ҳам бир оз ранжидик. Энди опамиз ҳам хафа бўладилар, деб ўйладик.

Шарофат опа китобларни авайлаб қўлига олди. Енги билан чангларини артди. Бирдаң ранги ўзгарди.

— Вой, менин олтин калитим, — деб, бир китобни бағрига босди. Кўзлари чақнаб кетди. Кейин қолганларини ҳам бағрига босди. Опамизнинг бу ҳаракатларидан ҳайратда қолдик. Сўрашга эса, нймандик. Шарофат опа Рустам топган китобларнинг чангини, доғларини артиб, жавондаги китобларнинг энг кўринарли жойига териб қўйди.

Яна ишга киришдик. Опамиз жуда хурсанд, уста бўлса қовоғини уйиб, ҳамон ёғоч текнсларди. У, болалар мени мазах қилди деган хаёлда эди.

Анчадан кейин опамизнинг «Олтин калит»ини билиб олдик. У лотин ҳарфидаги «Алифбо» китоби экан. Яна биттаси «Ўқиш китоби». Буни ўзлари айтиб бердилар.

Бугун Юлдузнинг қувончини кўриб, ана шу воқеа эсимга тушди. Опамизнинг нега «Алифбе» китобини «Олтин калит» деганларига кейин тушундим. Бу китоб жами билимларга йўл очиб бераркан. Демак, Юлдуз ҳам ҳозир қўлида Олтин калитни ушлаб турибди. Бу китоб унга илмлар хазинасини эртадан бошлаб очиб беради.

Кўз олдимга Шарофат опа, жавонининг кўринарли жойида турган ўша китоблар келди. Лекин қандай қилиб бу китоблар қўшсинч орасига тушиб қолганини Шарофат опадан сўраб олмамман.

Якшанба кунн эди. Кўча эшиги кетма-кет тақиллаб қолди. Кейин қўнғироқ тугмаси куч билан босилиб, бирпасда тақ-тақ товушига жаранг-журунг овози қўшилиб кетди. Илгакка қўлимни чўзишим билан катта набирамнинг товуши эшитилди.

— Дадажон, тезроқ очинг.

— Ҳозир, ҳозир...

Қарасам, катта қизим боласини етаклаб келяпти. Салом-аликдан сўнг:

— Адажон, Нилуфаризга бирпас қараб туринг, ишнм чиқиб қолувди. Дарров келаман,— деди.

Рози бўлдим.

— Дадажонни зериктирма, хўпми, қизим!

Нилуфар «хўп» деди-ю, чопқиллаганча хонага кириб стулга бориб ўтириб олди.

— Дадажон, менга қоғоз, қалам беринг,— деди Нилуфар эркаланиб.

— Нима қиласан? — сўрадим ундан.

— Расм чизаман.

У оқ қоғозга ажи-бужи чизиклар чиза бошлади. Мен пешонамга бош бармоғимни тираганимча уни кузата бошладим.

— Дадажон, бошингиз оғрияптими?

— Йўқ, болам.

Шу пайт қўнғироқ яна жаранг-журунглаб қолди.

— Меҳмон келди, дадажон,— Нилуфар стулдан тушиб эшикка чопди.

Эшикни очдим. Уртанча қизим боласини кўтариб турибди. Уни кўриб Нилуфар қувониб кетди.

— Нигина келди, Нигина келди!

— Бунингиз бирпас шу ерда тура-турсин. Нилуфар борлиги яхши бўлди. Уйнаб ўтиришди. Дадажонларингни зериктирманглар-а. Мен сизларга музқаймоқ олиб келаман.

Музқаймоқни эшитган Нилуфар Нигинани етаклаб хонага олиб кирди. Уйинчоқ уйнай бошлашди.

— Дадажон,— деб қолди Нилуфар бир оз уйнагач. — Нигинага оҳ беринг.

— Вой, барака топгур, ҳозиргина оҳ едиларинг-ку.

— Бормасангиз, ҳозир Нигина йиғлайди.

— Йиғлашини қабъдан биласан? — қизиқиб сўрадим мен.

Нилуфар Нигинага қаради:

— Бермасалар, кўзларинг йиглайди-а?

Нигина бўлса «Оҳ бейинг, оҳ бейинг»лаб ялинарди. Ке, шулар тинчисин, деб иккаласининг қўлига конфет тутқаздим. Нигина бўлса, ярим эгилиб, ширингина қилиб «мамак» деди.

— Бунинг яна нима сўраяпти? — дедим шошилиб.

— Нигина сизга раҳмат, деяпти.

— Э, сизларга ҳам раҳмат.

Орадан кўп ўтмади. Нигинанинг шу-шулаган товуши эшитилди. Нилуфар келиб енгимдан тортди.

— Нигинага шу-шу беринг.

— Шу-шуйинг нима?

Нилуфар шунням билмайсизми, дегандек шкаф тортмасини тортди. Ундан сўрғични олиб менга кўрсатди.

— Мана шу-шу.

Нигина Нилуфарнинг қўлидан сўрғични олиб оғзига солди. Кейнн яна боягидек букилиб, «мамак», деди.

— Мамак, мамак, — дедим мен ҳам иккаласининг бошини силаб, худди чет тилда гаплашаётгандек.

Шу куни улардан жуда кўп сўзлар ўргандим. Кичкина тилмоч эса менга кўмаклашиб турди. Урганган сўзларим орасида мен учун энг чиройлиси «мамак» эди.

ҚАДРДОНЛАР

Газлида биринчи марта ер қимирлаганда Маматқул эндигина уч ёшга тўлган эди. У қўни-қўшниларнинг чоп-чопини ўшанда кўрди. Аммо кўп нарсанинг фарқига бормади. Маматқул ер қимирлади, дейиш ўрнига:

— Лиқилласа, лиқиллайверсин, — деб чопқиллаб юарди.

Фақат ота-онаси эмас, танишлар ҳам Маматқулнинг бу сўзларидан роса кулишди.

Маматқулнинг хотирасида қолгани шу бўлди. Иккала ён қўшниси кўчиб кетди. Булардан бири — уни ҳар куни конфет билан сийлайдиган Қаримшоқ амакиси бўлса, иккинчиси шляпасини тез-тез унинг бошига кийдириб ҳазиллашадиган Иван бобоси эди. Уларни ҳозир элас-элас эслайди.

Лиқилласа-лиқиллайверсин, деб чопқиллаб юрган Маматқул ана-мана дегунча мактабга борди. У отаси айтгандек: қуюлиб қолди. То мактабга боргунча Маматқул ўт-ўлов эди. Яланг оёқ хивич отни миниб, кенглик бўйлаб чопар, тутқич бермасди. Тез-тез, «мен отамнинг

олдига ббравман», деб кўринган вишка томон чопқилларди. Узун-қисқа вишкалар Газли атрофида кўплангидан у отаси қайсида ишлашини аниқ билмасди.

Уша кунларни эслатсангиз, энди у уялинқираб, жилмаяди.

Маматқул бугун жуда хурсанд эди. Чунки улар эртага янги мактабга кўчади. У ана шу ҳаяжон билан эртани кутди. Эртаси кун... Ярим кеча Газли беланчакдек тебраниди. У уйдагилари билан уйқусираб ҳовлига отилиб чиқди. Одамларнинг қий-чувини эшитди... Маматқул карахт эди. Бир ҳафта ўтар-ўтмас уларни Тошкентга олиб келишди. Мактаб-интернатга жойлаштиришди. Отаси айтгандек «қўйилиб қолган» Маматқул Тошкентда ҳам беш-ўн кун ўзига келмади. Унинг учун ҳаммаёқ нотаниш эди. Кунора Газлини, ота-онасини туш кўрди. Агар қўши-қўшни мактаблардан улардан кўнгил сўрагани келишмаганда, яна ким билади.

Якшанба кунини яна ўша болалар келди. Маматқул энди уларни яхши танийди. Аммо бирортаси билан ҳамсуҳбат бўлганича йўқ. Келган болалар уларга совғасалом, ширинлик улашди. Газлилик болалар ҳам уларга ўрганиб қолди.

Маматқул мактаб-интернат эшиги олдида хаёл суриб ўтирганди, бурноғи ҳафта кўрган таниш бола унга қараб келди.

— Салом, — деди у.

Маматқул қўл чўзиб сўрашди.

— Менинг исмим Жаҳонгир, танишайлик, — деди.

Маматқул ўзини таништирди.

— Юр бизникига.

— Уқитувчим рухсат бермайдилар..

— Ўзим сўраб чиқаман.

Жаҳонгир Маматқулни қистаб, ўқитувчисидан жавоб олди. Жаҳонгирнинг уйи шундоқ интернатнинг орқасида эди. У газлилик ўртоғини ҳовлига бошлаб кирганда, онаси меҳмон болага пешвоз чиқди.

— Ке, опаси айлансин. Ўртоғимни олиб келаман дегандан бери, эшикка кўз тикаман. Уйдагиларингга хат ёзиб турибсанми... Қани уйга кир, айланай.

Маматқул дастурхон атрофида ўтирганда ҳам Жаҳонгирнинг онасига қараб-қараб қўйди. Чунки у Газли ҳақида сўрайверган одамлардан зерикди... Жаҳонгирларникида ҳеч ким бу ҳақда сўрамади. Аксинча, кунда кел, деб тайинлади.

Маматқул ўқиш тугагач, яна саф билан вокзалга

борди. Биринчи бўлиб вагонга чиқди. Чиқди-ю, ул-бу-лини жойлаштириб, пастга тушди. Маматқул Жаҳонгир билан хайрлашмагани учун безовта эди. Атрофга ола-зarak қаради. Узоқдан Жаҳонгирнинг қораси кўринди.

— Ма-мат!

Жаҳонгир ҳаллослаб етиб келди.

— Холамникида эдим, келсам...

Маматқул аллақандай бўлиб кетди. Кетаяпман деб, уйларига кириб чиқмаганига хижолат тортди.

— Мана бу сенга, — Жаҳонгир унга қоғоз тугунни тутқазди. — Гул уруғи. Албатта эк. Кузда қаламчаси-дан ҳам жўнатаман.

Маматқул тортиниб ўртоғининг қўлидан қоғоз ту-гунни олди.

— Газлимизга борасан-а, — тикилди у ўртоғига.

— Бораман, адресимизни унутмадингми... Хат ёз.

Маматқул Газлига етиб келиши билан, биринчи бў-либ, ўртоғидан олган уруғларни уйи орқасидаги томор-қага экди.

Мен уни атай кузатдим.

— Уруғи тутди, — деди у суюниб, — ана қаранг, кўкараяпти. Энди бу ер гулзор бўлади.

Янаги учрашганда у менга бир даста қаламча тут-қазди.

— Сиз ҳам гул экинг, амаки.

Маматқул ўша кунни бир неча қўшнига гул кўчати улашди.

З У Л Ф И З А Р

Мирражаб ака подани кечки пайт ўтлатиб келгач, Пистали тоғ этакларидаги шерикларидан хабар олмоқчи бўлди. У отининг жиловини бўшатар-бўшатмас, қизига юзланди:

— Зулфизар...

Зулфизар отасига тикилди.

— Қўйларга қараб тур-а, онажон! Опанг чақалоғи билан овора бўлиб ухлаб қолиши мумкин.

Зулфизар кулимсиради:

— Ухлаб қолсак, Зарқулоқ уйғотади.

— Мен ҳам шуни эслатмоқчи эдим. Тоғ устига қа-ра, — Мирражаб ака қамчисини чўзиб, Пистали тоғ чўққиларини кўрсатди. — Булут тўдалашиб турибди. Ё ёмғир елпиб ўтади ёки шамол туриши мумкин.

Мирражаб ака отга қамчи босди. Зулфизар отасининг орқасидан узоқ термулиб қолди. Кейин қўра атрофида ётган қўйларга разм солди. Улар аллақачон мудроққа кетишган.

Зулфизар яйловда туғилди. Дуркунгина бўлиб ўсди. Ҳозир ён қишлоқдаги мактабнинг учинчи синфида ўқийман, деса биров ишонмайди. Камида олтинчида ўқисанг керак-ов, дейишади. Майли ишонишмаса ишонишмасин, бор гапни айтгани яхши.

Аммо ҳозир... Зулфизар онасига қаради. Онасининг кўзи илинибди. Утов эшиги олдига қўйилган телевизорда эса аллақандай кино бўляпти. Бирпас тамоша қилган бўлди. Сўнг онасининг ёнига жой солди. Телевизорни ўчирди. Отаси кўрсатган чўққига бирпас тикилгач, эшик зулфинига ўраб қўйилган чилвирни олиб, секин чақирди.

— Зар-қу-лоқ, маҳ-маҳ!

Зулфизарнинг товушини эшитган қора кўзи югургилаб келиб, унинг қўл-оёғини ҳидлай бошлади. Зулфизар унга ярим тишлам нон тутди. Қора кўзи нон аралаш Зулфизарнинг бармоқларини ялади.

— Ёнимда ётасан, — деди Зулфизар қора кўзининг энди чиқа бошлаган шохчасини силаб-силаб, — иккаламиз подага соқчилик қиламиз. Ухлаб қолмайсанми?

Зулфизар чилвирнинг бир учини қора кўзининг оёғига, бир учини чап кўлига боғлади.

— Қани, энди ухладик.

Зулфизар ўрнига кирди. Кўзи унинг оёқ томонига ёнбошлади.

Мирражаб ака ҳар йили кўзи туғилиши билан бириккитасини бир тишлам-ярим тишлам нон бериб ўзига ўргатади. Шу-шу кўлга ўрганган кўзи чўпоннинг ёнидан жилмайди. Бирор хавф-хатар сезса, ўрнидан иргишлаб туради-ю, боғланган арқонни тортиб, чўпонни уйғотади. Зулфизар бу баҳор отасига ялинди.

— Отажон, мен ҳам кўзичоқни ўзимга ўргатай.

Мирражаб ака рози бўлди.

Зулфизар жунлари товланиб турган қора кўзини танлади. Унга ўзининг исмига ўхшатиб, Зарқулоқ деб ном қўйди. Одатда кўзичоқ туғилиши билан зоотехниклар унинг қулоғига темир белги ўрнатишади. Унга ҳар хил рақам ёзилган бўлади. Подадаги кўзичоқларга кўшилиб кетса ҳам, ана шу белгидаги рақамга қараб дарроз топиб олишади.

Зулфизар ўзи танлаган кўзичоқ қулоғидаги белги

атрофига зарқоғоз ўраб қўйди. Зарқулоқ тез кунда қўлга ўрганди. Мирражаб ака ўргатилган қўйи оёғига арқон солиб, бир учини ўз қўлига боғлаб ётарди. Зулфизар ҳам Зарқулоқни шунга ўргатди...

Зулфизар бепоён осмонга тикилиб ётиб, уйқуга кетди. Уйқу аралаш қулоғига гумбур этган товуш эшитилди. У кўрпасига ўралмоқчи эди, қўлини кимдир тортигандай бўлди. Қулоғига «ма-а» деган товуш чалинди. Зулфизар уйқусираб ўрнидан турди. Шундагина қўлига боғлиқ чилвирнинг таранглашганини сезди.

— Зар-қу-ло...оқ!! — дея бақириб юборди у.

— Ма-а-а...

Қизининг товушидан онаси, кейин биғиллаб чақалоқ уйғонди.

— Нима гап, қизим?

Бу орада Зарқулоқ Зулфизарни судраб кетди. Қизча онасига жавоб қайтаролмай, чилвир халқасидан қўлини бўшатиб, пода томон чопди.

Тогдан эсган шамол увиллар, ора-чора булут томчи ташлар, аллақачон уйғонган қўйлар эса, тумшугини кўтариб, қаёққа йўл бошлашни билишмас эди. Ҳозир пода тўрт томонга бўлиниб кетиши ҳам мумкин. Фақат бирортаси йўл бошласа бас.

Аҳволни тушунган онаси отилиб чиқиб, поданинг олдини тўсди.

— Зулфизар, қўранинг эшигини оч!

Зулфизар Зарқулоқнинг чилвиридан тортиб, қўра эшиги томон чопди. Шамол эса унинг сочларини юзига урар, учириб кетгудек бўларди. Қўра эшиги очилиши билан онаси ўргатган икки қўй сакраб, ичкарига ўзини урди. Бутун бошли пода шуни кутиб тургандек, бир-бирининг елкасидан сакраб ўтиб, қўрага бостириб кирди...

— Қўранинг эшигини бекит, — деди онаси, — отангининг ҳам хабар олишлари бор бўлсин. Ҳавони кўра туриб... Ёт энди.

Зулфизар индамади.

Қўра эшиги орасидап тумшугини чиқариб турган Зарқулоқ чўзиб маъради.

Бу қизчанинг қулоғига: «Мен нима қилай», дегандек эшитилди. Зулфизар уни қўрадан чиқарди. Ўзи билан уйга олиб кирди.

— Кел, оёгингни ечай, — деди у, кейин чилвирни ечиб олиб, Зарқулоқнинг оёгини уқалади. Пойгакда жой кўрсатди. — Бу кеча шу ерда ётасан, майлими?

Зарқулоқ олд оёқларини чўзиб, бошини қўйди. Анчагача Зулфизарнинг уйқуси келмади. Кечки шамол тинди. Тонгга яқин қўй-қўзининг маъраши эшитилди. Мирражаб ака аллақачон подани яйловга олиб кетган эди. Ёлғиз қолган Зарқулоқ Зулфизарнинг пешонасини ялар, чўккалаб унинг сочларини ҳидлар эди. Дамбадам: «Ётаверасанми, бир ўзим ёлғиз қолдим-у», дегандек чўзиб-чўзиб маърарди.

Зулфизар қотиб ухлар, тушида эса қўрада тикилишиб ётган қўй-қўзиларни кўрар эди...

САЙРОҚИ ҚУШЧА

Нигина ҳар гал дадаси ишдан келиши билан чопқиллаб олдига чиқади.

— Дадажон, нима олиб келдийиз?

Дадаси одатдагидек жавоб беради:

— Ҳеч нима.

Нигина дадасининг кўзларига тикилади.

— Дадажон, ишдан ҳеч нима беришмадимми?

— Беришмади.

— Нега?

— Ушанга.

Ушанга деган жавобни эшитгач, қизча маъюс тортади. Дадасининг чўнтак кавлашини кутади. Бува-невара бир-бирига қараганча анча жим туради. Нигинанинг тоқати тоқ бўлиб бувасининг қўлидан тортади.

— Бўлнинг.

— Нимани бўлай?

— Конфетни беринг.

— Қанақа конфет. Ишдан келаяпман дедим-ку.

Нигинанинг қовоғи осилади.

— Дадажон, мустақилликка бормадийизми?

— Бормадим.

— Нима учун?

— Ушанга.

— Ушанга, ўшанга деяверасизми?!

— Ўзинг доим шундай дейсан-ку.

Нигина «ўшанга» деган сўзни эртаю кеч такрорлайди. «Нега богчага бормадинг?» «Ушанга». «Нега» деб савол беришинигиз билан «ўшанга»си қатор туради. Буни яхши билган буваси уни гапга солиш учун индамай турмайди. Нигина бувасининг чўнтагини уриб кўради.

— Мана бу чўнчагийизда нима бор?

- Пул.
- Пул, — қизчанинг чехраси ёришади. — Ким берди?
- Мустақиллик.
- Мустақиллик берган пулга синикерс олмадийизми?
- Олмадим.
- Нимага?
- Ушанга.
- Уларнинг сўзларини тинглаётган Малика хола уларни келиштирмоқчи бўлади.
- Беринг, дадажониси, неварайизи кўп қийнаманг.
- Нимани?
- Оббо, — дейди Малика хола. — Боланиям шунча қийнайдимни одам. Боятдан бери дадажоним келади деб бунийиз эшик пойлаяпти.
- Собир ака Нигинага сездирмай кўзини қисади.
- Бувиси, пулим бўлмаса нима қилай?
- Нигина бу сўзни эшитгач, бўшашиб бувасидан сўрайди:
- Дадажон, пулийиз йўқми?
- Йўқ-да, — Собир ака кафтларини очиб кўрсатади. — Мана, йўқ.
- Ҳозир пулим бор дедийиз-ку?
- Ҳа, чатоқ, — кулади Собир ака, — сени чалғитиб бўлармиди. Оғзингдан чиққанини қулоғингга иласан-а. Ма.
- Собир ака чўнтагидан бир жуфт конфет олиб унга узатади.
- Нигина конфетнинг қоғозига тикилиб яна сўрайди:
- Дадажон, конфетни ким берди?
- Мустақиллик.
- Фақат иккита бердимми?
- Ҳа. Битта маҳмадона неварам бор деган эдим, шуни берди.
- Нигина конфетнинг биттасини оғзига, биттасини чўнтагига солади.
- Эртага кўпроқ олиб келинг-а, дадажон.
- Уҳхў, яна қарз ҳам қилиб қўясан-а.
- Нигина бувисининг пинжига тиқилади.
- Бувиси, эртага сиз билан борсак, кўпроқ олиб келамиза.
- Келамиза, — дейди Малика хола.
- Фақат менинг отимни айтсаларинг, кўпроқ беради, — дейди Собир ака.

Нигина югуриб бориб дадасининг бўйнидан қучоқлайди.

— Унда сиз билан бораман, дадажон.

Собир ака қаҳ-қаҳ отиб кулади.

— Ҳа, чатоқ.

Собир ака неварасининг сочларини силайди.

— Мустақиллик қаерда, болам?

Нигина тушунтира бошлайди.

— Ҳу ана у ерда.

— У ерданг қаерда?

— Бунийиз балони билади, — гапга аралашади Ма-лика хола.

Нигина энди Собир аканинг қўлига ёпишади.

— Юринг, ўзим олиб бораман. Адашмайсиз.

— Вой, сайроқи қушча-ей. Келиб-келиб мен адашманми?

Утган йили Нигина буваси билан бувисининг етовида Мустақиллик майдонига борди. Гавжум одамлар орасидан ўтар экан, бирдан боғчасидаги ўртоғи Ҳилолага кўзи тушди. Ялаб бораётган хўрозқандини кўз-кўз қилиб, унга мақтанди.

— Хили, биза Мустақилликка чиқдик.

Собир ака икки ўртоққа халал бермай, уларнинг гапларига қулоқ солди.

Ҳилола ҳам бўш келмади.

— Сен энди чиқдинг. Биза эрталаб чиқдик. — У чўнтагидаги ҳар хил пуффак, конфетларни кўрсатди. — Ма.

Нигинанинг кўзлари ёниб кетди.

— Хили, ким олиб берди? — Нигинанинг ярмисини менга бер дейишга тили бормади. Аммо ҳаваси келди.

Ҳилола лабини чўччайтирди.

— Мустақилликдан олдик.

Нигина Собир акага ер остидан қаради. Буваси унинг елкасига қоқди.

— Бизагаям ҳозир беради. Қани юр-чи.

Нигина Ҳилолага эшитдингми, дегандек, тилини чиқариб мазах қилди.

— Манаа.

Собир ака унинг қўлидан тортди.

— Уят-а.

Нигина дам бувасига, дам Ҳилоланинг қўлидаги пуффак, конфетларга қараб, юратуриб, орқасига қаради.

— Хили-пили.

Унга жавобан Ҳилола ҳам сўз қотди.

— Ниги-пиги, билгани йиғи.

Собир ака билан Ҳилоланинг дадаси имо-ишора қилиб, жилмайди.

Нигина бувасини етаклаб, Малика холага ҳам қарамай, олдинга интилди.

— Юрнинг, дадажон.

Собир ака шу куни кечгача неварасини Мустақиллик майдонида ўйнатди. Пуффак, конфет олиб берди. Музқаймоқ билан тўйдирди. Малика хола эса боғ чеккасидаги ўринда уларни кутди. Уйнаб-чарчаб бувасининг олдига келган Нигина бўшашиб Малика холанинг тиззасига сурканди.

— Ҳа, чарчадингми, қизим,— сўради бувиси.

Нигина тумшайди.

— Хили-пили Мустақилликка бизадан олдин чиқибди. — У ҳиқиллашга тушди.

Собир ака кулгидан ўзини тийиб, тушунтирди.

— Йиғлоқиларни бундан кейин Мустақиллик чақирмайди. Мана, қара, созандалар, ўйинчилар, яхши болалар Мустақилликка келниглар, деб қўшиқ айтаяпти. Рақсга тушаяпти. Ана у қарнайдан эса, йиғлоқилар уйда ўтирниглар, деяпти. Бир қулоқ сол-чи.

Нигина куй-қўшиқ аралашиб кетган шовқин-суронли одамлар даврасига қаради. Чопқиллаб юрган Ҳилолага кўзи тушиши билан кипригидаги ёшни бувасининг енгига артиб, бувасининг қўлини ўпиб жавоб берди.

— Дадажон, мен эмас, кўзим йиғлаяпти.

Собир ака сездирмай чўнтагига қўл солиши билан Нигина уни ширинликлар сотадиган расталар томон судраб кетди...

БУВИСИНИНГ УНГ ҚУЛИ

Зубайда хола уйга меҳмон келади деган хабарни эшитиши билан типирчилаб қолади. Эшик олдини бориб супуради. Уйга, ошхонага бир неча бор кириб чиқади. Буни кўрган келинлари одатдагидек унга сўз қотади:

— Ойижон, сиз безовталанманг, ҳаммаёқни чинни-чироқдай қилиб қўйганмиз.

Зубайда хола биламан дегандек эшикни ланг очиб қўяди. Кейин келинлари эшитавериб ўрганиб қолган гапини такрорлайди:

— Кўнгли очиқнинг эшиги доим очиқ бўлади. Қулфланганидан худо асрасин.

Яқинда яна шундай бўлди. Катта ўғли уйга сим қоқди. Дадамнинг ўртоқлари келади, катта уйга жой қиллинглар, деб гўшакни ўрнига қўйди. Бу хабарни эшитгач, Зубайда хола қавиётган кўрпани уй бурчагига тахлади. Катта келинини чақирди.

— Эшиттийизми, дадажонийизи ўртоқлари келармиш.

— Эшитдик, ойижон, ҳозир ҳамма нарсани тахт қиламиз. Овсинларим ҳам ошхонада этак бойлаб туришибди.

— Ҳалиматан дадажонийиз уларни бошлаб келадия.

— Хавотирланманг, ойижон,— катта келини Зубайда холанинг елкасини силади.— Сиз фақат набираларийизи овутиб ўтирсайиз бўлди.— Бу ёғини ўзимиз эплаймиз.

Ойиси билан бувисининг сўзларини эшитаётган Нигина ўйнаётган коптогини чап биқинига қисиб, уларга яқинлашди.

— Бувижон, мен сизга қарашаман-а.

— Қарашасан,— жавоб берди Зубайда хола.— Фақат олдин қўл-бетингни ювиб кел.

Нигина ҳовли ўртасидаги водопровод жўмрагини бурадди. Шилдираб оқаётган сувда юз-қўлини ювди.

— Бувижон, мана оппоқ қиз бўлдим.

— Оппоқ қиз меҳмонлар келганда нима дейди?

— Ашшалоуму алайкўм дейди,— Нигина бувисига ярим букилди.

— Баракалло.

Зубайда хола энди Нигинани эркаламоқчи бўлганди, эшикда меҳмонлар кўринди. Хола ўзини эшик орқасига олди. Меҳмонларни бошлаб келаётган Собир бува сас берди:

— Ҳой, уйда ким борр?

— Хуш кўрдик, дадаси,— эшик орқасида туриб овоз берди Зубайда хола.

Собир бува мийиғида кулиб қўйди. Холанинг хуш кўрдик, дегани ҳамма нарса тайёр маъносини англаганди. Меҳмонлар бирин-кетин катта уйга киришди.

Зубайда хола ошхонага қараб йўл олди. Бу орада бошқа набиралари қий-чувлашиб кириб келишди. Уйда меҳмон борлигини сезган болалар бирдан жимиб қолишди. Орадан анча ўтгач, хола остона олдида узун-

қисқа бўлиб, қаторлашиб турган пойафзалларни жуфт-жуфти билан териб қўйишга киришди. Бунни кўрган Нигина қўлига латта олди-ю чопқиллаб келиб бувисининг енгидан тортди.

— Бувижон, сиз боийнг, ўзим тахлайман. Дадам сизни бу ерда кўрсалар, хафа бўладилар.

— Маҳмадона бўлмагур,— хола унинг сочини силади.

Нигина бувисини етаклаб бориб кўрпачага ўтқазди.

— Сиз ўтийинг.

Бошқа набиралари биз-чи дегандек бувисига қаради. Хбла уларни бағрига босди.

— Бу гал Нигина бажарсин. Янаги меҳмон келганида, сизларга буюраман. Ўғил болаларга обдастаю сочиқ. Қизларга эса супуриш-сидириш учун эшиклар очиқ.

Нигина кўриб қўйинглар, бувижоним мени яхши кўрадилар, ишорасини қилди.

Нигина қаторлашиб турган оёқ кийимларини битта-лаб артди. Пойафзалларни жой-жойига қўйиб борар экан, охирги калишга кўзи тушиши билан ҳайрон бўлиб қолди. Атрофига қаради. Учига оқ маржон тикилган калишнинг бир пойи йўқ эди. Нигина шошиб бир пой калишни кўтариб бувисининг олдига чопди.

— Бувижон, мана бунисининг бир пойи йўқ.

— Иккинчиси қани?— сўради Зубайда хола.

— Ўзи битта дедим-ку.

— Аралаштириб юбормадингми, болам.

— Йўққ.

Зубайда хола набирасининг сўзига ишонмай рўмоли билан ўнг юзини пана қилиб пойгакдаги оёқ кийимларини санаб чиқди. Калишларини ажратиб олиб пой-пойи билан бир чеккага терди.

— Ие,— деди кейин,— бушисининг бир пойи қаёққа кетди. Бирортаси алмаштириб оёгига илиб чиқмадимми?

— Уйдан ҳали ҳеч ким чиққани йўқ,— деди Нигина.

Зубайда хола невараси Садирни чақирди:

— Ҳой, буёққа ке, Садирхон.

— Нима дейсиз,— копток ўйнаётган Садир бувисига қаради.

— Мана бу калишнинг бир пойи қани?

— Қайси калишни?

— Гапни кўп чўзма. Бу ишни фақат сен қиласан. Қаерда калиш кўрсанг, ёгочнинг учига илиб, айлантириб, ўйнаганингни кўп кўрганман.

— Худо урсин...

— Бир пой калиш учун қасам ичма.

— Ишонмасангиз, нима қилай.

— Топ.

Зубайда хола набирасига ишонмай ҳовли юзини айланиб чиқди.

— Қим яширди?— кампир набираларини бирма-бир сўроққа тутди.

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Зубайда хола калишни шолчанинг бир чеккасига қўйди. Собир аканинг чиқишини кутди.

Кўп ўтмай катта уйдан оминин деган овоз эшитилди. Меҳмонлар бир-бирига йўл бериб пойгакка чиқишди. Зубайда хола безовталана бошлади. Собир акани имлаб бир нима демоқчи бўлганди, чоли у томонга қарамай дарвозахона сари юрди.

— Дадажонийси, дадажонийси.

Собир бува бу овозни эшитмади.

Уйдан энг сўнггида иккала қўлтиқ таёққа суянган мўйсафид чиқди. У ҳали Нигина артган бир пой калишни ўнг оёғига илиб, остонадан ҳовлига қадам қўйди. Буни кузатиб турган Нигина дарвозахонадан кўз узмаётган бувисини туртди.

— Бувижон?

— Нима дейсан?

— Қаранг.

Зубайда хола набираси ишора қилган томонга қаради.

Нигина бувисининг қулогига шивирлади:

— Қаранг, бувижон. Анави амакининг бир оёқлари йўқ экан.

— Жим,— деди Зубайда хола мўйсафид кишига кўзи тушиши билан. Иккала қўлтиқ таёғига суянган чол учда маржони бор калишни ўнг оёғига кийганича меҳмонлар ўртасида борарди.

Зубайда хола ёқасини ушлаб, бошини сарак-сарак қилди. Нигина анграйганча улар изидан қараб қолди. Зубайда хола бир чеккада ҳўмрайиб ўтирган Садирнинг бошини снлаб, қулогини чўзиб қўйди...

«ЧЕВАРА»...

Ҳар доим ишдан келишим билан чопқиллаб, «менга нима олиб келдийиз» деб хархаша қиладиган Нигина бу гал негадир пешвоз чиқмади. Урганиб қолганим учунми, дарров сўрадим.

— Нигина қани?

Бувиси қўшни хонани кўрсатди:

— Неварайиз чеварайизи кийинтираяпти.

Чеварайиз деган сўз қулоғимга ғалати эшитилди.

— Чеварамни?!

— Ҳа,— дея кулди бувиси бурчакдаги хонани кўрсатиб.— Бир қаранг-чи.

Бувиси кўрсатган хона эшигини секин қия очиб, жим қолдим. Нигина туғилган кунда совға қилинган қўғирчоғини тикка қўйиб, қўлини бигиз қилиб бидирлаяпти:

— Сени ҳозир боғчага олиб бораман. Нимаа, бормайман деяпсанми? Қани тезроқ кийин!

Нафасимни ичимга ютиб, кута бошладим.

Нигина турли-туман кўйлакчаларни қўғирчоғига кўрсата бошлади:

— Мана бунисни кий бўлмаса. Ҳой, потинканг мана, нега пайпоғининг бир пойи йўқ.

— Нимаа. Кўтар деяпсанми? Тушунсанг-чи. Қапкатта бўлсанг, уялмайсанми? Анави чопқиллаб бораётган қизчаларга қара. Йўл четига ўт. Мошин келобти.

Жим туравердим. Нигина опасининг сумкасини елкасига илди. Тирноқларига қаради.

— Сени деб, мана бу тирноқларимниям бўйяй олмадим. Бундоқ сен ҳам эртароқ уйғонсанг-чи.

Нигина қўғирчоқнинг бошини силай бошлади:

— Сен ақлли қизимсан. Ақлли бола опасини жавратмайди. «Синикерс», «Синикерс» дейсан. Ҳар кунни қайдан топаман? Билсанг, мана бу ерда,— у сумкани кўрсатди.— Битта пулим қолди. Ишга борсам, кўп-кўп пул олиб келаман. Йўқ, энди алдамайман.

— Ҳа, чатоқ,— дедим эшитилар-эшитилмас.— Бунинг булбулнгуёнини ўзи бўлибди-ку.

— Маҳмадоннинг онаси,— жавоб берди бувиси.— Эшитгани миясига чиппа ёпишади.

Эшик очилди. Нигина бўйига тенг қўғирчоғини судраб даҳлизга чиқди.

Мен ҳеч нарса сезмагандек сўрадим:

— Ҳа, қизим, бунинг боғчага бормаяптими?

— Алдаб-сулдаб зўрға кийинтирдим, нуқул олиб бер, олиб бер дейди.

— Нимани?— билмасликка олиб сўрадим.

— Нимани бўларди,— бурро-бурро жавоб берди Нигина,— ҳали «синеккерс» дейди, ҳали «юпи» дейди.

Ҳалитдан бери гап-сўзимизга қулоқ солиб турган бувиси негадир бирдан кулиб юборди.

— Нимага куласиз?— сўради Нигина.

— Неварайиздан эиди чеварайизга ўтибди-да,— деди бувиси.

Нигина ялт этиб бувисига қаради. Қўғирчоғи билан иши бўлмай тиззамга ёпишди.

— Дадажон, менга нима олиб келдийиз.

У чўнтакларимни бирма-бир уриб чиқди. Қўлга илинадиган нарса йўқлигини сездими, деворга суяб қўйган қўғирчоғини кўтариб уйга кириб кетди. Кўп ўтмай қайтиб чиқди. Кўзимга тикилиб тургач, сўрадим.

— Унинг бугун боғчага бормайдими?

— Бормайди,— деди у тамшаниб,— алдаб-сулдаб зўрға ухлатиб чиқдим.

— Яхши,— дегандим, у этагимдан тортди.

— Дадажон, мени бозорга олиб боринг.